БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!


ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 22 ноябрь Пайшанба

№ 223 (13.659). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •



Ўзбекистон комсомоли: съездолди мунозараси

Бўлажак съездолди мунозараси давом этади.

Жумҳурият барча вилоятлари комсомол етакчилари нуқтаи назари, фикр-мулоҳазалари хилма-хил. Лекин бир хил мақсад-маслак йўлида хизмат қилаётган бу кишиларга бир хил саволлар билан мурожаат этдик.

1. Комсомол инқирозга учради деб ўйлайсизми?
2. Ўзбекистон ЛКЁИнинг Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳалари билан танишиб чиққансиз. Янги лойиҳага фикрингиз қандай?
3. Сиз яқинда бўладиган жумҳурият комсомоли съездидан нималарни кутяпсиз?
4. Мамлакатимиздаги кўп фирқалилик даврида комсомолни қандай тасаввур қиласиз?



Муҳиддин ТУРСУНОВ, Наманган вилояти комсомол қўмитаси биринчи котиби:

1. Инқирозга учради дегани комсомол йўқ бўлди, дегани. Комсомол яшаяпти. Демак комсомол инқирозга учрагани йўқ. Бундан кейин ҳам яшайди, фақат ўз сафида соғлом ёшларни бирлаштира олсагина.

2. Устав ва Ҳаракатноманинг лойиҳалари билан танишиб чиқдим. Лойиҳалар устида анчагина ишланган. Менга ёқди. Нима учун дейишингиз мумкин. Сабаби жумҳуриятимиз комсомолларининг энди ҳақиқий мустақилликка қадам қўйишига йўл очилган. Фақат ҳақиқий мустақилликка.

3. Комсомолнинг ҳар бир съездида гўё, назаримизда жуда катта янгиликлар бўладигандай. Лекин съезд ўтгач, ҳамма нарса ўз ўрнида қолгандай бўлади. Билмадим. Олдиндан бир нарса дейиш қийин. Ҳамиша сен кутган нарсалар бўлавермайди. Менинг съезддан кутаётган нарсам ошкоралик. Ошкора, очиқчасига дардлашгандагина мақсадга эришиш мумкин.

4. Қайси фирқа биз, яъни комсомол билан бир йўлдан боришга рози бўлса, ўшанга қўлимизни бериб, яхшилик учун қадам ташлаймиз.



Комилжон АБДУСАТТОРОВ, Жиззах вилояти комсомол қўмитаси биринчи котиби:

1. Жамиятимизни ўраб, чирмаб олган инқироз ёшлар уюшмасини ҳам четлаб ўтмади. Ёшлар орасида танқислик туфайли ишончсизлик руҳи ҳукм сурмоқда. Бунинг сабабларидан бири ёшларимизнинг, кўпчиликнинг маънавий саводсизлигидир. Яқиндагина жумҳуриятимиз Президенти аниқ-равшан айтди — баъзи бир ташкилотлар, бирлашмалар раҳбарларининг иқтисодий билими танқиддан тубан, шу сабабли фақат иқтисоддан ўқиб ўрганиш ва яна ўрганиш зарур. Шундай бўлгач, иқтисоднинг алифбосини ҳам билмайдиган ёшлар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин. Бугун жамиятда, комсомолда юз бераётган ҳодисаларнинг туб сабабларини билмай туриб, уларга танқидий баҳо бермай туриб, инқироздан, танқисликдан чиқиш мумкин эмас.

Иккинчидан, ҳозиргача кўплаб оддий комсомоллар ўз муаммолари билан ўзлигича қолишади, комсомол ташкилотларининг ёрдамини ҳис этишмайди, комсомол оталиқлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Тўғрисини тан олишимиз керакки, биз бошланғич комсомол ташкилотларида жуда камдан-кам бўламиз, уларнинг дарду ҳасратларини камдан-кам эшитамиз. Ҳеч кимга сир эмас маъмурият, фирқа ва касаба уюшмаси меҳмонлари кўпинча комсомол фаоллари бўлишади, комсомол қўмитасига эса (охирги пайтлари) умуман киришмайди. Нега? Чунки комсомол қўмиталари муаммоларни ҳал қила олишмайди. Шунинг учун биз бошланғич комсомол ташкилотларининг котибларини жойларда ўқитишимиз керак, илғор тажрибаларни амалда ўрганишимиз зарур. Бунда жумҳурият комсомоли бош бўлсин, рўзномаларимиз ёрдам беришлари керак деб ўйлайман.

2. Ўзбекистон ЛКЁИнинг Устави ва Ҳаракатномасининг янги лойиҳалари умуман олганда жумҳурият шароитини ҳисобга олган ҳолда тўғри тузилган. Менинг битта тилагим, булар оддийроқ, ҳар бир ёшга тушунарли қилиб тузиш керак деб ҳисоблайман.

3. Съездимиз яқинлашган сари, беихтиёр бир ўй мендан ҳеч кетмайди. Ишқилиб БЛКЁИ XXI съезди йўл қўйган хатоларга биз ҳам йўл қўймайлик-да. Шундоқ ҳам обрў пасайиб бораётганда мазкур съезд тўғри йўл учун, ёшларимиз фаровонлиги учун бир туртки бўлишини истардим.

4. Комсомолда кўпдан бери ишлайман, тажрибамга таяниб айта оламанки, ташкилотимизнинг келажаги бор. Унинг келажаги ўзимизнинг қўлимизда. Бўладиган анжуманимизга, у қабул қиладиган қарорларга ҳам кўп нарса боғлиқ. Яхши ишлашимиз учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Бу ёғи ўзимизга, хоҳиш-иродамизга боғлиқ.



Умарали ТЎХТАБОЕВ, Сирдарё вилояти комсомол қўмитаси биринчи котиби:

1. Ҳақиқатни айтиш керак. Комсомол инқирозга учрагани йўқ. Менинг назаримда, комсомолда «тозаланиш» давом этаяпти. Ҳақиқий комсомол аъзолари ўз сафида қолади. Комсомолдан манфаат кутиб ундира олмаганлар қийин вазиятда сафни ташлаб кетмоқда.

2. Устав ва Ҳаракатномасининг янги лойиҳалари комиссиясининг аъзосиман. Лойиҳалар ҳақидаги ҳамма фикрларни комиссияга билдирганман. Ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Тўғриси ҳақиқий баҳони комсомоллар беради. Буни келажак кўрсатади.

3. Мустақиллик. Фақат мустақиллик.

4. Кўп партиялик даврида сиёсий қарашлар ҳар хил бўлади. Ташвишимиз ва сиёсий қарашларимизга ҳамоҳанг бўлган ҳар қандай фирқа билан бир йўлдан боришга тайёрмиз.

Бизнинг мусоҳаба

Осиё ва Тинч океани минтақаси ҳуқуқшунослари халқаро уюшмасининг аъзоси Акмал САИДОВ яқинда жумҳурият Президент Кенгашига аъзо этиб тайинланди. Айримларда савол туғилди: нега айнан ёш зиёлилар орасидан А. САИДОВга шундай ишонч билдирилди? У Ўзбекистон ССЖ Ёшлар ташкилотлари қўмитаси раиси бўлганлиги учунми ёки бошқа сабаблари борми?

Акмал Саидов билан суҳбатимиз ана шундай бошланди.



Акмал САИДОВ: «НАЗАРИЁТ ВА АМАЛИЁТ БИРЛИГИ УЧУН»

— Аввало, Сизни Кенгаш аъзоси бўлишингиз билан табриклайман. Лекин мен ижозатингиз билан гапни ҳозир сиз ишлаб турган жумҳурият Ёшлар ташкилотлари қўмитасидан бошламоқчи эдим.

Мен-ку, унда бунда ўқиб, эшитиб тураман. Лекин оддий халқ, ёшлар, назаримда, бу қўмита ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслар.

— Табригингиз учун ташаккур. Энди саволларингизга қайтсак, ҳақиқатан ҳам Ёшлар ташкилотлари қўмитасини кўпчилик билмайди. Хўш, бу ташкилот нима ишлар билан шуғулланади, унинг вазифалари нималардан иборат? Бу фикримни турли ёшлар ўртасида ўтказилган сўровлар ҳам яққол исботлади. Яъни «Ўзбекистон ССЖ Ёшлар ташкилотлари қўмитаси қандай ишлар билан шуғулланишини биласизми?» деган саволга ҳеч ким аниқ жавоб беролмади. Умуман кўпчилик ёшлар бундай ташкилот борлигидан бехабар.

ЁТҚнинг туғилган куни 31 январь 1957 йил. Мамлакатимизда 1956 йилгача иш олиб борган фашизмга қарши Шўро ёшлари қўмитаси ўз фаолиятини тугатди. Бу пайтга келиб халқаро муносабатларнинг бироз яхшиланиши натижасида илгари хорижликлар учун анчайин ёпиқ бўлган сарҳадларимиз бироз очилиб, хорижий эллар билан алоқаларимиз янада барқарорлашиб борди. Бу ҳол эса ёшлар ҳаракатига ўз таъсирини кўрсатди. Аммо ғарбдаги барча ёшлар ташкилотлари ҳам бошдан охири ўта мафкуравийлашиб кетган комсомол билан алоқа ўрнатишни истамасдилар. Бир ягона фикрлилик даврида ёшларнинг ўзга жамоат ташкилотлари йўқ эди-да. Шароит сабаб аввал Москвада, кўп ўтмай, Тошкентда Ёшлар ташкилотлари қўмитаси тузилган. Ўзбекистон ЁТҚ таркибига ёш олимлар ва мутахассислар кенгаши, ДОСААФ, турли ижодий уюшмаларнинг ёш ижодкорлар шўъбалари киритилган. Ҳа-ҳа, «киритилган». Бошқа илож бўлмаган-да. Амалда эса ўттиз йил давомида ЁТҚ ва бошқа ёшлар ташкилотларини «етакчи» ижтимоий-сиёсий ташкилот бўлмиш комсомол «етаклаб» келди.

— Менимча, сиз бошчилик қилаётган қўмита Ўзбекистон комсомоли Марказқўмининг халқаро бўлимига ўхшаб қолган. Сиз бунга нима дейсиз? Балки чиндан ҳам халқаро бўлимга айлантириш керакдир!..

— Саволингиз жуда ўринли. Ҳозирги кунга қадар ЁТҚ комсомолга моддий тарафдан қарамдир. Шундай экан «ҳақ тўлаган киши мусиқани ҳам талаб этади» йўсинида комсомол амалда ЁТҚни ўзининг халқаро бўлими даражасида кўриб келди ва кўриб келмоқда. Айниқса, ҳозир ҳам юқори лавозимли комсомол раҳбарлари буни ҳар гапнинг бирида эслатишни «севишади». Бунга далил сифатида жумҳурият комсомоли Марказқўмининг VIII пленумида ЁТҚни тўла мустақил бўлишига қаратилган қарорнинг шу кунгача бажарилмаётгани мисол бўла олади.

Шу йил март ойида ЁТҚнинг умумий мажлисида ташкилотнинг Низоми қабул қилинди. Шунга биноан ЁТҚ — бу носиёсий, ҳукумат тасарруфидан ташқари ёшлар ташкилотидир. Унинг вазифалари бевосита ёшлар ҳаракатининг ҳозирги кун талабларидан келиб чиқади.

ЁТҚни Ўзбекистон комсомоли Марказқўмининг халқаро бўлимига айлантириш керак, деган фикрингизга мутлақо қўшила олмайман. Давр шуни тақозо этдики, комсомол ўз тарихи давомида ягона ёшлар ташкилоти сифатида йигит ва қизларнинг барча хоҳиш-иродасини ифодалайдиган, уларни ҳимоя қила оладиган ташкилот бўлишига интилиши туфайли фойдадан кўра кўпроқ зиён келтирди. Ҳозирги кунда жумҳуриятимиздаги комсомол ёшидаги йигит ва қизларнинг 50 фоизидан сал ошиғи БЛКЁИ аъзоси, холос. Шундай экан, комсомол ягона ёшлар ташкилоти эмас ва бўла олмайди ҳам. Бундан ташқари, турли ёшлар ташкилотларининг фаолиятини қўлидан келганча мувофиқлаштириб турган ЁТҚни бир бўлим даражасида кўриш ёки айлантириш ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди. Умуман комсомол ЁТҚдан мустақил ҳолда ўзининг халқаро бўлимини тузиши мумкин. (Москвада, масалан, шундай: ўтган йили ССЖИ ЁТҚ БЛКЁИ Марказқўмидан тўла ажралиб чиқди).

— Умуман бу қандай қўмита, мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

— ЁТҚнинг фаолиятини асосан катта икки гуруҳга ёки йўналишга ажратиш мумкин: ички ва ташқи соҳада.

Жумҳуриятимиз ҳудудида, мамлакатимиз миқёсида ёшларнинг янги ташкилотлари энди, қайта қуриш даврида тузила бошланди. Масалан, бизда байналмилал ва захирадаги жангчилар уюшмаси ташкил этилди. Норасмий уюшмалар пайдо бўлмоқда. Кўп фирқалилик томон қадамлар қўйилмоқда. Буни ҳисобга олишимиз, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўриб, билиб бормоғимиз талаб этилади. Комсомол ҳам энди ёшларнинг фикрини ифодаловчи ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этувчи ягона ташкилот бўлолмаслигини тан ола бошламоқда. Бу ҳолатда барча ёшлар ташкилотларининг фаолиятларини мувофиқлаштириб туриш ЁТҚнинг энг асосий ички вазифаси ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).



Биз кўп ҳолларда бир нарсадан афсусланамиз. Эски ўзбек ёзувини билмаслигимиздан. Шунинг учун ҳам ўтмишимизни билмаймиз, олтинга тенг қўлёзмалар билан танишишдан бебаҳрамиз. Тил билган — эл билар. Аста-секин хатоларимизни тушуниб, уни тузатишга интилмоқдамиз. Бунинг учун дастлабки қадамлар ташланмоқда.

Тошкентдаги 144-мактабда бошқа тиллар қатори ҳинд тили ҳам чуқур ўргатиб келинарди. Бу ўқув йилидан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Мактаб ўқувчиларига эски ўзбек алифбосидан ҳам сабоқ берилмоқда. Биринчи қадам албатта ҳар доим масъулиятли бўлади. Ўша масъулиятни ўқитувчи Салтанат Ҳайитова ўз зиммасига олиб, болаларга сабоқ бермоқда.

Мактаб ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячиларига берилган имтиёз ҳақидаги Фармонни бу мактаб жамоаси ҳам хушнудлик билан кутиб олишди. Бу — уларнинг фаолиятларида сезилмоқда.

СУРАТДА: Салтанат Ҳайитова дарс пайтида.

Сураткаш: Жўра БОБОРАҲМАТ.

НУЖ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ ЙИҒИЛИШДИ

МОСКВА. (ТАСС мухбири). Пойтахтда очилган «Зигель ўқишлари» Бутуниттифоқ илмий семинари номаълум учувчи жисмлар (НУЖ) муаммосини ўрганиш ва ишлаб чиқишга бағишланди. Илмий семинар «Номаълум ҳодисалар экологияси» уюшмасининг ҳомийлиги остида ўтказилмоқда.

— Бизнинг мамлакатимизда айни Ф. Зигель НУЖлар муаммосини илмий идрок этишнинг асосчиси бўлди, — деб ҳисоблайди семинар ташкилотчиси, олимнинг энг яқин сафдошларидан бири, техника фанлари доктори Р. Варламов. — Ундан олдинги олимлар асосан кузатув материалларини тўплаш билан шуғулланган бўлсалар, Зигель ҳамда унинг маслакдошлари гуруҳи кузатув натижаларини умумлаштирибгина қолмай, шу билан бирга бу ғаройиб ҳодисани ва у туфайли вужудга келадиган ҳолатларни изоҳлаб берувчи илмий фаразларни илгари сурди. Ана шунинг ўзи, шакшубҳасиз, уфология ўқишларини Зигель номи билан аташ учун асос бўла олади.

Ўқишларнинг биринчи куни дастурида олимнинг сафдошлари хотираларини, Ватанимиз уфологиясининг қарор топиши ҳамда НУЖлар изларини тадқиқ этишнинг объектив усуллари тўғрисидаги маърузаларни тинглаш кўзда тутилган.

ДИЛДАН СУҲБАТ

САВОЛЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ

Уларга Ўзбекистон физкультура ва спорт давлат қўмитасининг раиси Обид Назирович НАЗИРОВ жавоб беради.

Ҳаётда инсон учун энг қимматли нарса нима? Бу саволга ҳар хил жавоб бўлиши мумкин. Лекин кўпчилик энг зарури сиҳат-саломатлик, тетиклик деб ҳисоблайди. Аслида ҳам шундай.

Йигирма миллион аҳолили жумҳуриятимизда неча киши спорт билан шуғулланади? Умуман Ўзбекистонимизда жисмоний тарбия ва спорт ишлари қай аҳволда? Сиз яшаётган, ўқиётган жойда физкультура ва спорт билан шуғулланиш учун шароит етарлими? Болалар ва ўсмирлар, ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун нималар қилиши зарур деб ўйлайсиз?

Тошкент Давлат жисмоний тарбия олий билимгоҳи ва Олимпия ўринбосарлари жумҳурият билим юртларига қабул қилиш тартиблари қандай? Кимларга қанақа имтиёзлар берилади? Бундай саволлар билан муштарийлар таҳририятимизга тез-тез мурожаат қилиб туришади.

Қадрли муштарийлар! Кўриб турибсизки, бу борада саволлар оз эмас. Уларга жавоб олиш, маслаҳатлашиш учун Тошкентга келиб кетишга ҳамма ҳам имкон, вақт топавермайди. Хўш, нима қилиш лозим? Ташвишланманг, «Ўзбекистон физкультурачиси» ва «Ёш ленинчи» рўзномалари мушкулингизни енгиллаштиради. Шу йил **23 ноябрь куни соат 15 дан 17 гача Ўзбекистон Физкультура ва спорт Давлат қўмитасининг раиси Обид Назирович Назиров билан муштарийлар ҳамда барча спорт ихлосмандларининг сим орқали мулоқоти бўлади.** Сиз ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олмоқчи бўлсангиз, қуйидаги телефон рақамлари орқали қўнғироқ қилишингиз мумкин:

32-55-84 ва 33-95-97.

* * *

Сим орқали мулоқотда қатнашиш имконияти бўлмаганлар ўз саволларини телеграмма орқали «Ўзбекистон физкультурачиси» ёки «Ёш ленинчи» рўзномалари таҳририятларига юборишлари мумкин.

Савол ва жавоблар, ўртага ташланган таклифлар рўзномаларимизда ёритилади.

Шонли сана

● Ўрта Осиёнинг 1920 йилда В. И. Лениннинг декретига биноан ташкил этилган энг кекса олий ўқув юрти — Тошкент Давлат дорилфунуни шу кунларда ўзининг 70 йиллик юбилейини нишонламоқда. 20 ноябрь куни Алишер Навоий номли академик катта театрда ана шу шонли санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовнинг Тошкент дорилфунуни талабаларига, муаллимларига, бутун жамоасига йўллаган табрикномасини, шунингдек дорилфунуннинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонни ўқиб эшиттирди.

ТошДД ректори, ССЖИ халқ депутати, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсупов Тошкент дорилфунуни босиб ўтган шонли тарихий йўл, кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларида у эришган ютуқлар тўғрисида маъруза қилди.

Маърузада ва нутқларда Тошкент дорилфунуни Ўзбекистонгагина эмас, шу билан бирга мамлакатнинг бошқа жумҳуриятлари халқ хўжалиги турли тармоқлари учун кадрлар тайёрлашнинг чинакам масканига айланди. Ҳозирги вақтда дорилфунуннинг 16 та куллиётида 20 мингдан ортиқ талаба, мамлакатдаги 46 миллат ва элатнинг вакиллари, 65 та хорижий мамлакат йигит ва қизлари таҳсил кўрмоқда.

Дорилфунун олимлари, талабалари катта ҳажмдаги илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Кейинги вақтда Тошкент Давлат дорилфунунида миллатлараро муносабатлар маркази, амалий экология, генетика ва биотехнология бўлимлари, ижтимоий тадқиқотлар лабораторияси, амалий физика илмгоҳи ташкил этилди. ХХЖ, Ҳиндистон, АҚШ, Франция, Югославия, Венгрия, Жанубий Корея, Миср ва бошқа мамлакатлар дорилфунунлари билан бевосита илмий ижодий алоқалар ўрнатилган, талабалар ва стажерларни бир-бирига юбориш йўлга қўйилган. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини кучайтириш шароитида, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида мутахассисларга эҳтиёж ошиб бораётганлиги муносабати билан Тошкент Давлат дорилфунунида шундай кадрлар тайёрлаш бошланди.

Сўзга чиққан кишилар Тошкент дорилфунуни эришган ютуқлар ва муваффақиятлар тўғрисида гапириб, айни пайтда унинг олдида кўпгина муаммолар турганлигини таъкидладилар.

Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллигини байрам қилишга мамлакатнинг 56 та олий ўқув юртидан, шунингдек Австрия, Жазоир, Туркия, Миср ва бошқа давлатлардан меҳмонлар келишди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССЖ вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Мамарасулов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков иштирок этдилар.

* * *

В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат дорилфунунида 21 ноябрь куни олий ўқув юртининг 70 йиллик юбилейи муносабати билан бир гуруҳ олимлар ва мутахассисларга мукофотлар топширилди.

ССЖИ Президентининг Фармонига биноан Тошкент дорилфунуни тарих куллиётининг доценти, тарих фанлари номзоди М. Шапсанов Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармонига биноан кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти, халқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишига қўшган катта ҳиссаси, фанни ривожлантиришдаги хизматлари ва фаол жамоатчилик фаолияти учун В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунунининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларига «Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган фан арбоби», «Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонлари берилди, Ўзбекистон ССЖ Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов топширдилар.

(ЎзТАГ).

ССЖИ Давлат нархлар қўмитасида

Баъзи иттифоқдош жумҳуриятлар Олий Кенгашлари (РСФСЖ, Қозоғистон ССЖ) кундалик зарур бўлмаган молларнинг айрим турларига шартномавий эркин нархлар жорий этиш тўғрисидаги ССЖИ Вазирлар Кенгаши қарори амал қилишини вақтинча тўхтатиш хусусида қарорлар қабул этганлиги муносабати билан ССЖИ Давлат нархлар қўмитаси қуйидагиларни маълум қилади:

Бир қанча кундалик зарур бўлмаган молларга шартномавий эркин нархлар жорий этиш тўғрисида ССЖИ Вазирлар Кенгаши қабул қилган қарор амалдаги қонунларга мувофиқдир.

ССЖИ Вазирлар Кенгаши тўғрисидаги қонунга мувофиқ, иттифоқ ҳукумати нарх сиёсати ўтказилишини таъминлайди ва нарх системасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди. Унга халқ истеъмол моллари чакана нархлари даражасини ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган.

Бундан ташқари мазкур қарор ССЖИ Олий Кенгаши шу йил октябрь ойида қабул қилган халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари бир қисми ҳисобланади. У мазкур дастурнинг бир қанча бўлимларига асосланади, «500 кун» дастурига тўғри келади.

ССЖИ Вазирлар Кенгашининг қарори амал қилишини баъзи иттифоқдош жумҳуриятлар вақтинча тўхтатиб қўйишлари аслида боши берк кўчага олиб кирадиган қарор ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг объектив иқтисодий шарт-шароити ҳамда бозорнинг аҳволи нарх белгилашни такомиллаштириш юзасидан шошилинч тадбирлар кўришни талаб қилади. Зеб-зийнат буюмлари ва бошқа кундалик зарур бўлмаган моллар нархининг шартнома тартибига ўтказилиши ва уларнинг оширилиши муқаррардир. ССЖИ ҳукумати қарори амал қилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарорлар ҳуқуқий нуқтаи назардан қараганда, аслида мамлакатимиздаги қонунни бузишларнинг давоми ҳисобланади. У шу йилнинг ноябрида ССЖИ Олий Кенгашининг кейинги мажлисларида қаттиқ қораланган эди.

Яқинда марказий телевидение ўзининг биринчи программаси орқали РСФСЖ Олий Кенгаши депутатларининг сўзларини эшиттирди. Улар ССЖИ Вазирлар Кенгашининг қарорини тўхтатиб қўйишларини асослаб бердилар.

Депутатлар, жумладан, мазкур қарор билан олдиндан таништирилмаганликларига ва ҳукуматнинг гўёки чакана нархларни тубдан ислоҳ қилиш соҳасида дастури йўқлигига эътиборни қаратдилар.

Биринчи масала юзасидан шуни айтиш керак: ССЖИ Вазирлар Кенгаши бундай масалаларни иттифоқдош жумҳуриятлар Олий Кенгашларининг ҳар бир депутати билан келишиб олиши мумкинлигини ҳатто тасаввур этиб бўлмайди. Бундан ташқари, нима учун РСФСЖ Олий Кенгашининг депутатлари ҳамма нарса худди улар билан келишиб олиниши керак деб [illegible] иттифоқдош депутатларнинг [illegible] бундай иш [illegible] қарор қа[illegible] тарика [illegible] бўлсак, [illegible] мамлакатимиз иқтисодиётидаги [illegible] талаб этадиган [illegible] зудлик [illegible] мумкин [illegible] қарор лойиҳаси иттифоқдош жумҳуриятлар ҳукуматлари [illegible] олинганди.

Бизнинг мусоҳаба

Акмал САИДОВ:

«НАЗАРИЁТ ВА АМАЛИЁТ БИРЛИГИ УЧУН»

(Боши 1-бетда).

— Демак, қўмитанинг норасмий ташкилотлар билан ҳам ишлашига тўғри келаркан-да!

— Қаёққа қочиб қутиламиз. Ахир улар бегона эмас, халқимизнинг фарзандлари, ватандошларимиз! Биздан кўра бошқачароқ фикрлар экан, деб хорижий элга ҳайдаб юбормаймиз-ку! Дастлабки йиллар норасмийлар, асосан ҳар хил эрмак, қизиқишларга кўра уюшган бўлсалар, энди улар сиёсий жараёнга ҳам фаол аралаша бошладилар. Улар орасида ижодий уюшмаларнинг зиёлилари борлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Негаки, бугун халқнинг уларга бўлган ҳурмат-эътибори янада ошди. Булар ижобий, давр талабларидан келиб чиқаётган ўзгаришлар. Ошкоралик, демократия, фикрлар хилма-хиллиги жуда яхши. Аммо буларнинг бариси холис ниятда, самимийлик билан халқ ва миллат манфаатлари йўлида қилинмоғи керак.

ЕТҚ ёшларининг барча расмий, норасмий уюшмаларига ҳурмат-эҳтиром билан ёндашади. Улардаги соғлом кучларни жумҳуриятимиз равнақи йўлида сафарбар этишга ҳаракат қилади.

— Ўтган йилдан бошлаб мамлакатда Президент бошқаруви жорий этилди. Жумладан, иттифоқдош жумҳуриятлар ўртасида Президент бошқаруви бизда биринчи жорий этилишига қандай қарайсиз!

— Президент бошқарувини жорий этиш — давр тақозоси деб биламан. Сабаби сўнгги йилларда, айниқса, ижрочилик, қонун талабларига риоя этиш, интизом, тартиб жуда бўшашиб кетди. Гап деса қоп-қоп-у, иш деса ҳеч вақо йўқ. Ҳамма нарсани танқид қилиш жуда осон, аммо бир амалий таклиф киритиш, уни ҳаётга тадбиқ қилиш қийин. Шундай даврда барчани бир мақсадга, яъни жумҳурият равнақи, унинг халқининг тинчлигини таъминлаш, ҳаёт фаровонлигини ошириш учун муайян бошқарув зарур. Умуман, айни пайтда жаҳон амалиётида ижро этувчи ҳокимиятнинг роли ошиб бормоқда. Бунга АҚШ, Франция, ГФЖ, Англия, Италия, Ҳиндистон ва бошқа кўп давлатлардаги ҳолат яққол мисол бўла олади.

Бундан ташқари жумҳуриятимиз янги Олий Кенгаши ўз фаолиятига дадил киришди. Янги-янги қонунлар қабул қилинмоқда. Аммо улар қанчалик адолатли, қанчалик мукаммал бўлмасин, ҳаётга тадбиқ қилинмаса бир пул. Афсуски, кўп йиллар давомида қонунларга риоя этишлик талаб даражасида эмасди. Президент бошқаруви шу йўсинда, барча қонунларининг ижроси учун масъулдир.

Энг муҳими, менинг фикримча, Президент лавозимини жумҳуриятимизда Иттифоқда биринчи (дарҳақиқат умуман, дунёдаги федератив давлат субъектлари ичида) марта жорий қилиниши тарихий воқеадир. Бу чинакам сиёсий мустақилликка қўйилган дастлабки амалий қадамлардандир. Яна шуни таъкидлаш лозимки, марказда бу қарорга қарши эдилар. Мамлакат комсомолининг XXI съездида М. С. Горбачев менинг «Иттифоқдош жумҳуриятларда ҳам Президент бошқарувини жорий қилинишига қандай қарайсиз?» — деган саволимга, салбий деб жавоб қайтарган. Шунга қарамасдан, жумҳуриятимизда Президент бошқаруви ўзининг ижобий томонларини кўрсатади, деб ўйлайман.

Яна бир муҳим ҳолат. Оилада ота болалар учун, давлатда Президент жумҳурият фуқароларининг тинчлиги, осойишталиги, ҳавфсизлиги учун кафолат бермоғи керак.

— Ҳуқуқшунос сифатида Президент кенгаши мақоми тўғрисида нима дея оласиз!

— Саволингизга жавоб беришдан олдин, жумҳуриятимиз Олий Кенгашининг сўнгги сессияси қарорлари ҳақида бир неча сўз айтмоқчиман. Айниқса, янги вице-президент лавозимининг таъсис этилиши, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши ва Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилиши том маънодаги Президент бошқарувининг бир яхлит системасини, ижроия ҳокимиятини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга қаратилгандир.

— Шу ўзгаришлар ҳақида муштарийларимизга батафсилроқ сўзлаб берсангиз!

— Бажонидил. Жумҳуриятимизда Президент бошқарувининг жорий қилиниши ўз навбатида шу бошқарувни амалга оширишнинг муайян ҳуқуқий механизмини ишлаб чиқишни талаб этади. Шундай механизм Конституциямизга киритилган қўшимчаларда ўз аксини топган. Шу муносабат билан қуйидаги янги ҳолатларга алоҳида эътибор бериш зарур. **Биринчидан,** Президент бошқаруви юқоридан то қуйигача бир системага айланди. Бу жумҳурият даражасида Вазирлар Кенгашининг (Министрлар Советининг) ижроия-бошқарув тузилмасини Президент ҳукуматига бирлаштирилишидир, яъни Вазирлар Кенгаши Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Айни вақтда Президент шу маҳкаманинг Раиси ҳамдир. Унга бевосита раҳбарликни эса жумҳуриятимиз вице-президенти (балки ўзбекчада «Бош Вазир» дейилса маъқулдир) амалга оширади. Уни Президент тайинлайди, Олий Кенгаш эса тасдиқлайди. Вазирлар Маҳкамасига Раиснинг биринчи ўринбосарлари, давлат қўмитасининг раислари ва йирик концернларнинг раҳбарлари ҳам киритилади.

Иккинчидан, шу вақтгача Президентнинг жойлардаги ижрочилари ким, деган саволга аниқ жавоб йўқ эди. Энди Президентнинг жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларининг аниқ ҳуқуқий асоси яратилди. Барча маҳаллий Шўроларнинг ижроия қўмиталари ўз Шўроларига ҳисобот бериши билан бирга Президентга ҳам ҳисобот бериши белгиланди. Бу жумҳурият сиёсий тузимида илгари йўқ бўлган бўғин эди. Бу система Президент бошқарувининг юқоридан то қуйигача бир яхлитлигини таъминлайди. Вилоят ижроқўмларининг раислари Президентнинг тегишли Шўро раиси билан келишилган тавсиясига кўра, Шўро сессиясида тайинланади. Ижроқўм раиси ўз лавозимига кўра Шўро раисининг биринчи ўринбосари бўлади. Шунингдек, Шўро ва ижроия қўмиталари ишчи аппаратини бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу амалий қадам Шўролар ва уларнинг ижроия қўмиталари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

— Президент Кенгаши нима учун зарур!

— Ўзбекистон ССЖ Қомусининг 118^{5}-моддасида: «Ўзбекистон ССЖ Президенти (президентлик эмас) кенгаши фаолият кўрсатади. Президент Кенгашининг вазифалари Президент Кенгаши тўғрисидаги низом билан белгиланади», — дейилган.

Умуман, Президент Кенгашининг таъсис этилиши, менинг фикримча, бир неча сабабларга кўра мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, ўзингизга маълумки, ҳар бир ўзбек хонадони: оиласи бирор катта ишга қўл урса (хоҳ уй қурсин, хоҳ тўй қилсин), ўз яқинларини, маслакдошларини чақириб маслаҳат қилади. Нақл бор-ку: «Маслаҳатли тўй тарқамас» деган.

Кўп йиллар мобайнида давлат бошқарувида мутахассисларнинг нуқтаи назари, фикри эътиборга олинмасдан келинди. Барча муаммолар фирқа, давлат, тор бюрократик аппарат ходимлари томонидан ҳал қилинди. Бирор бир ўз фикрига эга зиёли қувғин қилинди. Президент Кенгаши аъзолари турли йўналиш, турли касб эгалари бўлиб, ўз соҳалари бўйича Президентга маслаҳат беришлари лозим. Қарор қабул қилиш — Президентда.

— Кенгаш аъзоларининг қандай ваколатлари бор! Уларнинг аниқ жавоб берадиган масалалари борми! Агар шундай бўлса, сиз Кенгаш ишида қайси масалалар учун масъул бўласиз!

— Президент Кенгаши аъзосининг асосий вазифаси, бурчи аввалambор, ўз соҳасининг мутахассиси сифатида жумҳуриятдаги вазиятни Президентга айтиш, халқнинг кайфиятини, ижтимоий фикрини бўлмасдан, холисанилло Президентга етказиш, Фармонларининг бажарилишига доир аниқ чора-тадбирларни белгилашдир, деб биламан. Умуман Кенгаш ҳар бир аъзосининг фаолият йўналиши бевосита Президент ваколатларидан келиб чиқади. Президент ваколатлари Конституциямизнинг 12^{1}-бобида аниқ кўрсатилган. Кенгаш аъзолари шу ваколатларини амалга оширишда Президентга маслакдош, маслаҳатгўй, кўмакдошдирлар.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак ҳақиқатан ҳам ҳар бир Президент Кенгаши аъзосининг фаолият йўналишлари аниқланган. Шу муносабат билан мен жумҳурият сиёсий мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқий ислоҳотни амалга ошириш, жумҳурият қонунларини такомиллаштириш, аҳолининг ялпи ҳуқуқий таълим системасини вужудга келтириш билан шуғулланаман.

— Сизнинг Кенгашга энг ёш аъзоси сифатида таклиф қилишингиз ҳам маълум мақсадда — ёшлар масалаларига тўхталишдир балки.

— Ёшлар тўғрисида кўп гапираяпман. Ҳозирги вазифам жиҳатидан ҳам гапиширим керак. Шу кунда менинг энг асосий мақсадим — жумҳуриятимиздаги барча ёшлар тақдирларига, муаммоларига бефарқ бўлмайдиган барча одамлар билан гаплашиш. Жумҳуриятимизда ёшлар муаммолари шунчалик кўпки, шунчалик жумбоқки, буларни жумҳуриятимиздаги бошқа муаммолардан алоҳида ажратиб қараш мумкин эмас. Лекин, лекин... менинг бир-иккита фикрим бор, шуларни айтолмай турибман, булар ҳақида съездда гапирмоқчи эдим...

— Айни кунларда «Ўзбекистон ССЖ давлат ёшлар сиёсати тўғрисида» Қонун лойиҳаси муҳокамада. Сизнингча, бизга бу Қонун нима учун керак ва у қандай бўлиши лозим!

— Аввало, давлат ёшлар сиёсати деганда нимани тушунамиз? Яъни давлатнинг ёшларга бағишланган сиёсати қонунини бўлиши тўғрими ёки нотўғрими дейишдан олдин бундай сиёсат билан шу кунгача ким, қандай шуғулланиб келган? — деган саволни қўяйлик. Шу кунга қадар ёшлар сиёсати билан битта ташкилот шуғулланиб келган. Бунинг оти «Комсомол». Комсомол бу ўзига хос ёшларнинг вазирлигига айланиб қолган эди. Ёшлар яхши хизмат қилсаям комсомол ёки бирор ножўя иш қилиб қўйсаям комсомол эсланарди. Комсомол ижтимоий-сиёсий ташкилот экан, худди шу маънодаги ташкилот бўлиб қолиши керак.

Ёшлар муаммоси бу жамият муаммоси, давлат муаммоси. Шунинг учун у билан бевосита давлатнинг ўзи шуғуллансин. Ҳаётда маблағ, моддий манфаатдорлик масалалари бор экан, гап барибир давлатга бориб тақалади. Тўғри, комсомолга олдинлари давлат томонидан унча-бунча ёрдам берилларди. Энди-чи? Ҳар ким ўз ҳисобидан кун кўраётган бир пайтда комсомолнинг аъзолик бадаллари-ю, унда-бунда топган, тутгани нима бўлади. Шунинг учун ҳам ёшлар сиёсати, бевосита муайян давлат сиёсати бўлиши керак.

Ёшлар сиёсати тўғрисидаги қонун қабул қилиш деган гапни кейинги уч-тўрт йил ичида жуда кўп айтиляпти. Тўғриси, менинг ҳам бу қонунга оид аниқ бир нуқтаи назарим йўқ. Баъзан мулоҳаза қиламан, умуман шу қонун керакми, йўқми? Масалан, давлат ўз фаолиятини Қонун нормаларида амалга оширади. Ҳамма давлат органлари тўғрисида қонун бор. Шунингдек, жамоат ташкилотлари тўғрисида ҳам. Ўз-ўзидан мантиқий хулоса: демак, ёшлар сиёсати тўғрисида ҳам Қонун зарур экан. Шуни таъкидлаш лозимки, бу фикр янги эмас. Олдин ёшлар тўғрисидаги Қонун энди «Давлатнинг ёшлар сиёсати тўғрисида»ги Қонун дейилаяпти. Ёшлар тўғрисида Қонун қабул қилиш керак, деган фикр биринчи марта 1961 йил ва яна 1976 йил КПСС XXV съездидаям расмий равишда айтилган. Бир неча лойиҳалар тайёрланган.

Шунча йиллар давомида мунозара давом этаётган бўлсада мен бу Қонунга бошидан қарши эдим, ҳозир ҳам қаршиман. Нега? Кейинги пайтда жумҳуриятимиз Олий Кенгаши ёшларга доир масалалар бўйича бир неча Қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Энди буни улардан ажратсак, бу Қонун нима беради?

Биз учун фақат ижобий томони шу бўлдики, Қонун лойиҳасини тайёрлаш юзасидан жуда кўп ёшлар муаммосини ўрганишга тўғри келди. Лекин битта Қонун қабул қилиш билан ҳамма муаммоларни ҳал қилиб бўлса, эди, қанақа муаммо бўлишидан қатъи назар Қонун қабул қилиб ташламасмидик? Қонун агар ҳар томонлама таъминламаса, ҳозирги жамият талаби даражасида бўлмаса, кишиларнинг ижтимоий фикр-онгига бориб етмаса, у қоғозда қолиб кетаверади. Унинг ҳар бир моддасини кучга киритиш учун, амалга тадбиқ қилиш учун маблағ даркор.

— Бу Қонун моҳияти нимада, эканлигини кўпчилик ҳали тушуниб етаётгани йўқ. Ахир Қонуннинг қабул қилиниши моддий томондан таъминланиши каби масалаларни кўришга асос бўлмайдими!

— Худди шу нуқтаи назардан балким тўғридир. Лекин мен сизга шу Қонун қабул қилинмаса-да ёшларга бағишланган қанча қонунлар борлигини айтай. Иттифоқ миқёсида ёшлар тўғрисида 1200 дан ортиқ қонун, турли хил ҳуқуқий актлар бор. Қабул қилинаётган қарор, қонунлар эса муайян бир системада эмас, ҳаммаси тарқалиб кетган, ўзаро узвий боғланмаган. Улар ўртасида зиддиятлар кўп.

Шуларни йиғиб яхлит қилиш учун бу Қонун лойиҳаси керакдир. Шу нуқтаи назардан у анча қулайлик туғдирар. Аммо шунингдек битта кичкина қонунда ҳаммасини йиғиш ҳам қийин. Шу маънода у томонданам, бу томонданам ҳаракат бўлиши керак.

Мен шу Қонунга салбий нуқтаи назардан қарасамда, мана шу бир ярим йил ичида ҳамма билим ва имкониятларимни шунга сарфлаяпманки, Қонун яхши бўлсин, ҳуқуқий томондан мукаммал бўлсин.

Балки Қонуннинг йўқлиги ҳам унинг нимага керак, керакмаслиги ёшлар онгига етиб бормаётганига сабабдир. Қонун қабул қилинаверсин-чи, бу ёғи бир гап бўлар.

— Қонун амалда кучга кириши учун қандай аниқ бир йўналишлари бўлади!

Бозор иқтисодиётига ўтаяпмиз. Табиийки, бу сиёсатдан энг кўп талофот кўрадиганлар ҳам ёшлар. Ёшларнинг ҳали ҳаёт тажрибаси кам. Бирор бир корхонада ишдан бўшатиш зарур бўлиб қолса, биринчи навбатда кимни бўшатишади, албатта ёшларни. Чунки малакаси кам. Лекин оёққа туриб олиши учун ким ёрдам беради ёки кам таъминланган оилаларнинг (талабалар оиласи мисолида гапирсак) ҳаёт даражасини кўтариш учун ким қайғуради? Қонун шу маънода асқотади.

Аммо ёшларнинг ўзида интилиш, манфаатдорлик бўлмаса, натижа чиқишига кўзим етмайди. Ҳар бир ёш ҳаётда ўз йўлини ўзи топсин.

— Жумҳуриятимиз комсомоллари XXIV съезди арафасида ишлаяпмиз. Бўлғуси съезд, сизнингча, комсомоллар ҳаётида ўз Устав, Ҳаракатномаси, ҳужжатларини кўриш билан муҳим из қолдирармикан!

— Комсомолнинг истиқболи съезд томонидан қабул қилинадиган қарорларига боғлиқ бўлади. Менимча, ҳозирги тайёрланаётган ҳужжатлар ўшандай истиқболни кўрсатмаяпти.

Айни кунда комсомолнинг тақдири жумҳуриятларда бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан бевосита боғлиқ. Комсомол истиқболини кўриш учун, жумҳуриятдаги жараёнлар билан қадамма-қадам юрсин. Яъни ҳақиқатан ҳам ўзининг сиёсий мустақиллигини талаб қилсин. Ҳозир талаб қилинаяптими? Афсуски, йўқ. Бизнинг жумҳурият комсомоли съездда эса тўла маънода ўз сиёсий мустақиллигини талаб қилиб чиқиши керак. Ўз Устави, Ҳаракатномасини қабул қилиши, албатта, муҳим аҳамиятга эга. Лекин бу сиёсий мустақилликка эришиш деган сўз эмас ҳали.

— Бугунги ёшлар. Уларни қандай баҳолайсиз!

— Бугунги ёшлар шу куннинг маҳсули. Давр қандай бўлса, ёшларимиз ҳам шундай. Давр шунчалик тез қадам босаяптики, ёшлар соат сайин ўсаётгандек. Ҳозирги кунда ҳаёт муаммолари шунчалик хилма-хилки, ёшлар орасида бир хил фикрлаш йўқ, улар бир қолипдаги кишилар эмас. Ҳозирги ёшлар миллий ўзлигини англаётган йигит-қизлар. Аммо, масаланинг яна бир жиҳати борки, бу бизнинг байналмилал тарбиямиздаги камчилик — миллатлараро мулоқот маданияти оқсамоқда.

Иккинчи жараён, кейинги икки-уч йилда ёшларнинг сиёсий фаоллиги ўсди. Жамият дарду қувончларига бефарқ қарамасликнинг ўзи яхши. Лекин, шу билан бирга ёшларимизнинг сиёсий маданияти етарлими?.. Йўқ, етарли эмас. Бу эса ўз ўрнида жамиятнинг айби. Чунки, ҳеч ким шу билан шуғулланмаган. Мен ёшларга шундай шиор ташламоқчи эдим: «Билимга ҳаж қилайлик». Масалан, ҳар бир мусулмон учун ҳаж қилиш энг муқаддас нарса. Бизда эса билим олишнинг қадри тушиб кетган. Нега? Биз охирги пайтда фақат диплом олишнигина мақсад қилиб қўйдик. Билим дипломда эмас, билим таълим-у, уқувда...

— Ёшларнинг бугунги кунда динга бўлган қизиқиш, эътиборининг ошишини нима сабабдан деб ўйлайсиз!

— Шу вақтгача олиб борган «жанговар» атеизмнинг натижаси бу. Дин ҳам ўз навбатида ўзига хос умуминсоний қадриятларни сақлаб қолишнинг шаклларидан биттаси. Бу унинг ижобий хусусиятларидандир.

Шу ерда яна битта муаммо бор. Миллийлик ва динийлик нима дегани? Ёки даҳрийлик нима дегани? Жумҳуриятимизда ёки Ўрта Осиёда, Осиё ҳудудида мана бу ердан миллат бошланади, мана бу ерда динийлик бошланади, деб ҳеч ким айта олмайди. Буларнинг ҳаммаси қоришиб кетган, улар ўртасида Чин девори йўқ. Миллийлик ва динийлик ўртасида муайян чизиқ ўтказиш жуда қийин. Лекин шу кунгача динда сақланган умуминсоний башарият қадриятларидан фойдаланиш даркор. Масалан, бизнинг қўмита ёш мусулмонлар, ёш христианларни ҳам бирлаштирган. Сиёсий дунёқараши қандай бўлишидан қатъи назар, тараққиёт учун хизмат қилган ғоядан фойдаланса зарар қилмайди. Шунингдек, ҳар бир инсоннинг ўз сиғинган эътиқоди, бу дингами, фанга бўладими, ўзининг эмин ихтиёри. Ҳар бир таълимотда ўзига хос хато-камчиликлари бўлар экан, дин ҳам бундан ҳоли эмас. Шу жиҳатларидан эҳтиёт бўлиш керак.

— Демак, ёшларни эзгу йўлга бошлашда динми ёки комсомол ижобий роль ўйнаши муҳим. Ёшларнинг қизиқиш-эътиборининг ўсуви яна бир жиҳатдан биз аъзо бўлиб келаётган ташкилотларнинг қуруқ расмиятчилик, бир хиллилиги зериктирган бўлишиям мумкин.

— Бу биринчи галда. Бизнинг энг катта мафкуравий ишларимизда хато бу — 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган. Шарқона турмуш тарзимизни оврўпоча қилмоқчи бўлдик. Буларнинг яққол кўриниши тилимиз, ёзувимиздаги ўзгаришлар. Биз янгиликка, тараққиётга интилиш, деб шарқона шаклларни, одамларга яқин бўлган нарсаларни йўқотиб қўйдик.

— Бозор иқтисодиётига ўтсак, ёшлар ҳаётини қандай тасаввур қиласиз!

— Ҳали ёшларнинг бозор иқтисодиётига ўтмасданоқ ижтимоий аҳволи оғирлашмоқда. Агар сўнгги йилларда йигит-қизларнинг иш ҳақи икки баровар ошган бўлса, пулнинг қадрсизланиши тўққиз фоизга ўсди. Росмана ишсизлик кўпаймоқда. Мамлакат миқёсида олсак, расмий маълумотларга қараганда, бугунги кунда 7 миллион ишсиз бор. Шулардан уч миллиони ёшлар. Бозор иқтисодиётига ўтиш билан аҳвол янада кескинлашиши мумкин. Сабаби нима? Юқорида айтиб ўтганимиздек, бозор иқтисодиётига ўтганимизда энг биринчи ўринда ҳар бир жойга, корхонага ўта малакали ишчи-хизматчи зарур. Ёшларнинг малакаси етарлими, билими етарлими, ижтимоий томондан ҳимояланганми? Йўқ! Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётида энг қийин аҳволга ёшлар тушиб қолиши мумкин. Умуман, мамлакат раҳбариятининг катта хатоси бу бозор иқтисодиётига ўтишни нарх-наво билан боғлаб қўйишидадир. Бозор иқтисодиётига ўтиш фақат шу маҳсулот, молларнинг нарх-навоси ошиб кетиши дегани эмас. Иккинчи томондан, мамлакатдаги учта-тўртта олимни жамлаб, улар ўртасидаги фикрни (аҳоли ҳали тайёр эмас шу нарсага) халққа чиқариб қўйиши, «Абалкин ҳаракатномаси», «Беш юз кун» ҳаракатномаси дейишяпти-ку, бу умуман нотўғри. Нега? Биз шу вақтгача 73 йил ичида халққа шунча ваъдалар бериб келдик. (Худди ҳозир коммунизмда яшашимиз керакдай). Шунақа бирор бир муддатни фолбинлик қилиш керак эмас. Шунинг учун мен бозор иқтисодиётига ўтиш эмас, кириб бориш ҳаракатномасига қўшиламан. Ҳозир муҳим масала аҳолининг кам таъминланган (бунга ёшлар ҳам киради) қисми ҳаёт даражасини тушириб юбормаслик. Кейин секин-асталик билан аниқ вазифаларни қўйиб ўтиб олиш керак.

— Акмал ака, фирқа аъзоси эмас экансиз, энди ўтасизми унинг сафига!

— Мен кўп урингнаман фирқа аъзоси бўлишга. Лекин шунга ҳеч йўл қўйишмаганди. Умуман у ёки бу нарсага ишониш, фирқага кириш ҳамманинг шахсий иши бўлиб қолиши керак. Уни ишга ёки бирор нарсага боғлашмаса дуруст.

— Ўзи нима учун бирор ташкилотга кирилади, аъзо бўлинади!

— Бу ерда маслакдош одамлар жамиятда бирор бир мақсад йўлида, манфаат, қизиқишлар юзасидан бирлашадилар.

— Келажагингизни қандай тасаввур қиласиз! Комсомол ходими бўласизми, илм кишиси ёки жамоат арбоби! Қайси бирига ўзингиз мойилроқсиз!

— Мен ҳеч қачон ўзимни комсомол ходими демаганман. Мен олимман. Ўзимнинг маълум бир соҳам бор. Шу билан бирга ҳозирги кунда комсомол ходимларига ачинасан киши. У комсомолдаги кимлар — биттаси муҳандис, биттаси бинокор, биттаси ўқитувчи. Ўн йил, ўн беш йил ишлаб эртага комсомолдан кетса, қаёққа боради, ўз соҳасида фаолиятини давом эттира оладими? Олмайди! Чунки унутиб юборган. Шунинг учун ҳам ҳар бир кишининг тўла мутахассислиги бўлсин, жамоат ташкилотларида фаолият кўрсатса-да, мутахассислигидан узилиб қолмаслиги керак. Фикримча, ижтимоий фанлар ходимлари ўз илм-ҳунарларини чуқур эгаллаб-да, жамоат ташкилотларида ҳам ишласинлар. Бунда уларнинг шу билимини ҳаёт билан боғлашга ёрдам беради. Масалан, мен қуруқ олим бўлиб юрганимда ҳаётдаги жараёнларга бир ёқлама қарардим. Ҳақиқатан ҳам айтишади-ку, назария бошқа, амалиёт бошқа. Уларнинг боғлаб олиб боришда комсомол ҳаётимда том маънода «сиёсий мактаб» ролини ўтади.

Келажакда фақат илм кишиси бўлиш орзуим. Қаерда бўлмай фан билан алоқани узмоқчи эмасман. Шу туфайли ҳозирги кунда ТошДДнинг ҳуқуқшунослик куллиётида мусулмон ҳуқуқидан сабоқ беришни ташлаганим йўқ.

Меҳрибон ҚУРБОННИЁЗОВА суҳбатлашди.

Виждон эркинлиги—олий қадриятимиз




ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси Хивадаги қадимий обидалардан бири. Яқинда шу обида яна динга сиғинувчилар иномига топширилди.

1960 йилда бу ер атеистлар уйига айлантирилганди. Гап шундаки унинг 338 рубоийсида ҳаёт қувончлари ва ташвишлари, руҳиятдан нолинилади. Шоирнинг ижоди билан шуғулланувчи тарғиботчилар уни шунга асосланиб худосизга айлантиришганди. Аслида у айрим кишиларнинг динни қурол қилиб, ўз манфаатлари йўлида фойдаланишига қарши чиққан. Айни мана шу факт Паҳлавон Маҳмуд учун танқид манбаига айланганди.

Хиваликнинг номи бутун Шарққа маълум. У машҳур курашчи ва шоир. Мақбара 650 йил диндорларга хизмат қилганди. Яқинда йўл қўйилган хатолар тузатилди. Хива шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг қарори билан у яна ўз эгаларига топширилди.

Мақбара шайхи Матёқуб ибн Отаназар ибн Матёқуб (чапда) қуръондан оят ўқимоқда.



Паҳлавон Маҳмуд мақбараси.

Қ. ОТАЕВ (ЎзТАГ) суратлари.

Мукофот муборак!

Ички ишлар идораларининг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолияти ёритилган ва рўзномалар ҳамда ойномаларда эълон қилинган, шунингдек, телевидение ва радио орқали эшиттирилган энг яхши публицистик асарлар учун ҳар йили ўтказиладиган жумҳурият мусобақасининг якунлари чиқарилди. Бу мусобақа 1988 йилнинг бошида Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги ҳайъати билан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви котибиятининг қўшма қарорига кўра эълон қилинганди.

Ҳуқуқий мавзудаги 22 та энг яхши публицистик асар ҳакамлар муҳокамасига қўйилди.

Мусобақа ҳакамлари ғолиблар ва совриндорларни аниқлади. Аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни фаол тарғиб этганлиги, ҳуқуқбузарликларга қарши курашни холис ёритганлиги учун:

«Ташкентская правда»;

«Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент»;

Фарғона вилоятининг «Коммуна»;

Наманган вилояти Уйчи ноҳиясининг «Октябрь байроғи» рўзномалари таҳририятларининг жамоалари Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлигининг Фахрий, ёрлиғи билан мукофотландилар.

«Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг бўлим мудири Ҳабибулла Олимжоновга биринчи, Тошкент вилоят ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳининг катта ходими, ички хизмат майори Миркарим Мирсавуровга иккинчи ўрин берилди. Тошкент ноҳияси ички ишлар бўлимининг участка катта инспектори, милиция капитани Раҳим Шодиевга, журналист Мурод Тиллаевга, милиция капитани Қодиржон Муҳаммаджоновга, Бухоро вилоят ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳининг катта ходими Евгений Петрович Зуевга, Ўзбекистон ахборот агентлиги бош муҳаррирининг ўринбосари Альфред Александрович Барановга, Ўзбекистон ахборот агентлиги ижтимоий-сиёсий ахборот бўлимининг мудири Вадим Васильевич Гладиловга рағбатлантирувчи мукофотлар берилди.

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси «Комсомолец Узбекистана»нинг штатсиз суратчи мухбири Борис Холмирзаев билан Ўзбекистон жумҳурият радиоси катта муҳаррири Абдурашид Исроиловни дипломлар билан тақдирлади.

(ЎзТАГ).



Наим КАРИМОВ

Усмон НОСИРнинг сўнгги кунлари

Усмон Носир ҳақидаги сўнгги хотира ана шундан иборат.

Хўш, ночор бир аҳволдаги шоирни ўша куни қаерга олиб кетган бўлишлари мумкин? Мариинсккамиди, Ногиронлар шаҳарчасигамиди ё бирор касалхонагами? Бу саволга узоқ ўйламасдан, касалхонага, деб жавоб берсак, тўғри бўлади. Тахмин қилиш мумкинки, Р. Эгамбердиев Усмон Носирни Ногиронлар шаҳарчасидаги касалхонага олиб кетишаётган вақтда кўрган. Агар шу тахмин тўғри бўлса, у 1941 йилнинг 31 октябрига қадар Ногиронлар шаҳарчасидаги касалхонада даволанган, сўнг чипта [illegible] тўқувчи корхонада хизмат қилган. Афтидан, қиш яқинлашган сари шоирнинг хасталиги жиддий тус ола бошлаганини кўрган лагерь раҳбарлари врачларнинг маслаҳатига кириб, уни иқлими нисбатан юмшоқроқ жойга — ким билади, балки Ўрта Осиёда жойлашган лагерларнинг бирига юбормоқчи бўлганлар. Уларни бундай мурувватли қадамга Усмон Носирнинг шеърий истеъдодига бўлган ҳурмат ундаган бўлса ажаб эмас.

Шу кунларда шоирнинг Мариинскка кўчирилиш сабабларини айрим кишилар унинг Сталин номига ёзган хати билан боғламоқчи бўлмоқдалар. Маълумки, нафақат Сталин, балки унинг маҳбуслар билан шуғулланувчи ёрдамчилари ҳам Усмон Носирнинг хатини олгач, на Мағадан, на Тошкентдаги тегишли идораларга шоирга марҳамат кўрсатиш ҳақида кўрсатма бермаганлар. Мавжуд қоидаларга кўра, улар хатни Ўрта Осиё ҳарбий округининг ҳарбий прокуратурасига юборганлар, холос. Қолган иш шу сўнгги маҳкаманинг зиммасида бўлган.

Тошкентда Усмон Носир ишини қайта кўриш билан дастлаб Д. Китаев шуғулланган бўлса, 1944 йилда бу юмушни ЎОҲО ҳарбий прокурорининг ўринбосари, юстиция майори Захаров давом эттирди. У 1944 йил 24 майда Мағадандаги меҳнат-тузатув лагери бошлиғига Усмон Носир ҳақида салбий материалларни юборишни сўраб мурожаат қилди. Бу мурожаатномага жавобан 12 сентябрда келган хатда маҳбус Усмон Носировнинг ўша йил 8 сентябрда бошқа жойга этап билан юборилганлиги айтилган. Захаров Шимоли-шарқий меҳнат-тузатув лагерлари Приморье бўлими, Сиблагнинг тақсимот пункти ва Мариинскдаги бошқармасига ҳам шу мазмундаги илтимос билан хат йўллади. 17 октябрда Приморьедан келган жавобда Усмон Носирнинг 1941 йил 31 октябрда Мариинскка юборилганлиги хабар қилинди. Аммо Сиблагдан олинган хатда Усмон Носир ҳақида ҳеч қандай маълумотнинг йўқлиги баён қилинган. Шунга қарамай, ЎОҲОнинг ҳарбий прокурори бошқа мўътабар кўрсатмалар ва экспертиза натижаларига таяниб, 1944 йил 15 декабрда унга қарши қўзғалган жиноий ишни ёпиш ва шоирни озод қилиш ҳақида хулоса чиқарди.

Аммо бу пайтда Усмон Носирнинг қаерда эканлиги ҳатто зийрак кўзли ва узун қулоқли НКВДга ҳам номаълум эди.

Ҳолбуки, Усмон Носир... Келинг, шошилмасдан, гапни яна келган жойимиздан давом эттирайлик...

Шундай қилиб, Усмон Носир 1941 йил сентябрига қадар, тахминимизга кўра, Ногиронлар шаҳарчасида яшади. 8 сентябрда эса ШШМТЛ Приморье бўлимининг бошлиғи д/х кичик лейтенанти Серебрянскийнинг буйруғи билан номаълум йўналишда этап қилинди. Мавжуд ҳужжатлар унинг қаерга юборилгани ҳақида сукут сақлайдилар. Назаримда, у шу куни Владлаг ихтиёрига пароходда юборилган. Ўша ойнинг 24—25 кунларида у Владивостокка етиб келиб, бир неча кун давомида Владлагнинг жўнатув пунктида тақдир шамолини кутгач, 3 октябрда ғарби-шимолий минтақаларга йўл олган биринчи поезд билан Кемерово вилоятининг шимолий нуқтасида жойлашган Мариинскдаги лагерларнинг бирига юборилган.

Шоир қачон ва қай аҳволда Мариинскка етиб борди? Қайси лагерга бориб тушди? Унинг тўппа-тўғри тиббий қисмга бориб тушгани ҳақидаги гаплар тўғрими?.. Афсуски, бу саволларга жавоб беролмаймиз.

Златоустдан Владивостокка қадар чўзилган поезд йўли 42 кун давом этган эди. Мариинск эса Златоустга нисбатан Владивостокка бир мунча яқин. Демак, у ўша йил октябрининг сўнгги кунлари ё ноябрининг бошларида бу сўнгги манзилга етиб борган бўлиши мумкин. Лекин, афсуски, Усмон Носирнинг Мариинскдаги 1943 йил 18 июнига қадар бўлган ҳаёти тўғрисида ҳеч нарса билмаймиз. Кемерово вилоятига қарашли Ички ишлар бошқармаси архив-терговь бўлимининг бошлиғи полковник С. М. Дмитриевнинг айтишича, Усмон Носир Мариинскка оғир хаста ҳолда етиб келган ва қолган умрини асосан касалхонада ўтказган. Унинг бу фикрини тасдиқловчи ҳужжатлар бизга учрамагани учун Усмон Носирнинг шахсий ишидаги бир қатор материаллар махфий жамғармада сақланмоқда, деб ўйлаш мумкин. Аммо шоирнинг 1943 йил 22 мартда вақтинча ишга яроқсиз деб топилиши ҳамда 18 июнда ногирон сифатида комиссия кўригидан ўтишга тавсия этилиши С. М. Дмитриев сўзлари ҳақиқатга асосланганидан дарак беради. Чиндан ҳам, орадан беш кун ўтгач, 23 июнда врач Бульский бошчилигида йиғилган комиссия қуйидаги хулосага келган:

«Тиббий текшириш ДАЛОЛАТНОМАСИ

Субъектив маълумотлар. Ўзини 1941 й. дан бетоб ҳисоблайди, нафас сиқилиши, йўталганда балғам келиши, ўқтин-ўқтин ҳарорати кўтарилиши ва тунда терга ботиб чиқишидан шикоят қилади. Бундан ташқари, овқатдан кейин ўпка атрофида кучли оғриқ пайдо бўлади ва ўқчиб, қайд қилади. 2 йилчадан бери ишламайди. Сўнгги 2 ой давомида ўпка касаллиги билан безгак орқасидан касалхонада ётган.

Объектив маълумотлар. Юзи заъфарон, кўз ҳалқоблари осилган, иштаҳаси кескин камайган, ёғ қатламн деярлик йўқолган, мускуллари қовжираган, териси ва шиллиқ пардалари оқиш. Кўринишдан иситмаси борга ўхшайди. Сўл ўпкасининг барча томонида турли доирадаги хўл хириллашлар, ўмрови устида эса узун ва оғир нафас чиқариши сезилади. Юрак уриши паст — тахикардия.

...Комиссия хулосаси: Даволаш мумкин бўлмаган оғир хасталикка йўлиққан. Меҳнатга яроқсиз. Мустақил равишда юра олиши мумкин.»

Ушбу хулосанинг сўнгги сўзлари Усмон Носирни лагердан умуман озод этиб, жонфиғон онаси бағрига юбориш истаги билан ёзилган кўринади. Аммо врачларнинг бундай ниятини тушунган Сиблаг бошқармаси 2-бўлимининг бошлиғи Ирванов 9 июлда мазкур масала бўйича чиқарилган қарорга: «Террористик ташкилотга қатнашгани учун қамалганлиги сабабли озод этилиши мумкин эмас», деб ёзиб, хаста маҳбус олдида очилган биринчи ва сўнгги имкониятни — нажот эшигини тамбалаб ташлади.

Шоирнинг шундан кейинги умри кўпроқ касалхонада кечди. Ниҳоят, 1944 йил баҳорида бахтсиз шоирни бу ёруғ олам билан боғлаб турган сўнгги ҳаёт риштаси узилди. Бу дунёга булбул бўлиб келган, аммо қалб тори эндигина таранг тортила бошлаган шоир — улуғ зулмнинг, улуғ туҳматнинг, улуғ ҳасаднинг қурбони бўлган шоир оламдан ўтди.

Авлодлар, ёдингиздан чиқарманг: 1944 йил, 9 март. пайшанба — ўзбек шеъриятининг ёқут юлдузларидан бири Усмон Носирнинг сўнган куни. Сталинча истибдодга асосланган тузум уни шу куни, аждаҳо сингари, ниҳоят, ямлаб юборди.

Жабрдийда ўзбек халқининг бу фожиали куни ҳақида қуйидаги ҳужжат тузилган:

«ДАЛОЛАТНОМА

1944 йил мартининг 9-куни. Биз, қуйида имзо чекувчилар, Суслово бўлими ТСҚ* бошлиғи Семичасная А. Г., 3-сонли касалхона мудири врач Локтионова Н. Н., навбатчи т/ҳ Хапина М. И., ДХБ*** мудири ҳ/и**** Артамонова ушбу далолатномани шу ҳақда туздикки, 3-сонли касалхонада даволанган маҳбус Носиров Усмон — 1912 й. да туғилган, ЖК моддалари 67, 64—14, муддати 10 йил — 1944 й. 9 мартда соат 14 да II пеллаграси борлиги ва юракнинг заифлашгани орқасида ўпка силидан ўлди».**

Шоир жасади қарийб бир ҳафта давомида касалхонанинг ўликхонасида ётди. Суслово қишлоғидаги маҳбуслар қабристони ҳали караҳт уйқуда, қалин қор остидаги тупроқ эса тошдек қаттиқ эди. Бунинг устига, мурдаларни лагерь аравасида қабристонга ташувчи маҳбуслар, одатга кўра, бир неча кун араванинг тўлишини кутар эдилар... Хуллас, 15 март, чоршанба куни олис ва совуқ рус тупроғи Усмон Носир жасадини ўз бағрига олди.

Мана, сўнгги, энг сўнгги ҳужжат:

«ДАЛОЛАТНОМА

1944 йил мартининг 15-куни. Биз, қуйида имзо чекувчилар, 2-қисм инспектори Артамонова, хўжалик мудири Брюшгов, ўликхона санитари Свишченко шу ҳақда далолатнома туздикки, вафот қилган маҳбус Носиров Усмоннинг жасади — 1912 й. да туғилган, моддалари 67—64, муддати 10 йил — бугун Суслово қабристонида дафн этилди. Қабр 1,5 чуқурликда қазилди. [Марҳумнинг] қўлига 12192 рақамли чўпхат боғлаб қўйилди. Қабр устида 2-рақамли тахта ўрнатилди.»

Узунқулоқ гапларга қараганда, лагернинг ё санитар қисми, ё ўликхонасида Масад Усмонов исм-шарифли қирғизистонлик ўзбек ҳам хизмат қилган. Усмон Носирни ғоят қадрлаган ва шоирнинг сўнгги кунларида унга таянч бўлган бу муҳтарам зот яшик тахталаридан тобут ясаб, марҳумнинг жасадини шу тобутда дафн этган, деган гаплар юради. Яна айтишларича, бу қабристонда дафн этилган маҳбуслар орасида фақат Усмон Носиргина ана шундай иззатга сазовор бўлган.

Биз бу ҳурматга лойиқ зотнинг «Фрунзе вилояти, Қорасув райони, Ленин номли колхоз» деган манзили бўйича излашга уриндик. Аммо на бундай манзил, на бундай зотнинг изларини топдик...

60-йилларга келиб, Мариинскдаги даҳшатли лагерлар тугатилди. Орадан маълум вақт ўтгач, маҳбуслар қабристони текислаб ташланди. Аммо бугун ҳам бу жойда мунгли сукунат ҳукмрон. «Победитель» совхозининг моллари теварак-атрофда ўтлаб юрсалар-да, собиқ қабристон этагига яқинлашмайдилар. Маҳбуслар чеккан азоблар бу ерда ўсган ўт-ўланни ҳам заҳарлаган кўринади. Ана шу яшил майдондаги ўт-ўланлар тўлқинида ёлғиз бир елкан лангар ташлаб турибди. Бу, шу ерда жувонмарг бўлган ўзбек шоирига ўрнатилган камтарона ёдгорликдир.

Мен ана шу ёдгорлик қаршисида изтиробли сукутда турар эканман, хаёлимга қуйидаги сатрлар келади:

Бу ерда ётибди Усмон Носирий
Қонсочар юлдузи ўзбек назмининг.
Тингла, эй шеърлари қолган оҳ уриб:
Сўнгги манзилгоҳи шу ерда унинг.
Фақат мен билмаймен: қаерда қўли?
Оёғи қаерда?
Қайда бош чаноқ?
Бу совуқ қабристон — ялмоғиз кўли,
Билмайсен қаерда ким чўккан у чоғ.
Мана бу майсалар унинг қалбида
Бир пайтлар жилдираб оққан сабрлар.
Мана бу чақмоқ-чи, унинг лабидан
Олов бўлиб чиққан олтин сатрлар.
Булутлар ортида қолган у офтоб —
Тупроқ билан тўлган кўзлари унинг.
Жала бўлиб ёққан устимга шу тоб
Фарёд билан айтган сўзлари унинг.
Гар келсанг бу ерга, таъзим эт бажо,
Шоирнинг шу ерда бўлгандир адо.

* Тиббий-санитар қисм.
** Тиббий ҳамшира.
*** Давлат хавфсизлиги бошқармаси.
**** Ҳарбий инспектор.

(Охири. Боши рўзномамизнинг ўтган сонларида).

Хотира

УСТОЗ САЪДИ ҲАСАНОВИЧ

Ҳурматли домла Саъди Ҳасанович Сирожиддиновнинг кўз ойнак тақиб кулиб тушган суратларини кўрдим-у, кўнглим ёришиб кетди, айни бир нафасда қалбимда аламли бир изтироб пайдо бўлди...

Мен Саъди Ҳасановични салкам ўттиз йилдан буён билардим. Шу муддатнинг ярмиларида унинг бевосита раҳбарлигида ишлаш бахтига ҳам муяссар бўлганман. Аммо шахсан жуда кам сўзлашардим, иш юзасидан нарига ўтмасди гапларимиз. Ҳар учрашганда кўнгил тўлиб, кайфиятлар кўтарилиб, ниҳоятда мамнуният билан хайрлашардим. Саъди Ҳасанович бизлар билан учрашганларида адабиётдан шундай эркин фикрлашар эдиларки, кўплаб чала-чулпа адабиётшуносларгина эмас, етук мутахассислар суҳбатда ўйланиб қолишарди. Хуллас, Саъди Ҳасанович, буюк математик олим бўлиш билан бирга адабиёт, санъат, мусиқа, яхши ашулани ғоят севар эдилар.

Бизда олимлар, ёзувчилар, буюк даҳоларни хотирлаб илмий кенгашлар, йиғилишлар ўтказиш анъанаси қадимдан бор ва бу маданиятимиз тараққиётига, ёшлар тарбиясигагина эмас, ҳаммамизнинг онгимизга зиё бериши муттасил ижобий таъсир кўрсатиши керак. Шу билан бирга бундай тадбирлар ўзининг амалий самарасини ҳам бериши, ундан ўзимизга зарур хулосалар чиқариб олишимиз шарт. Бирор йиғилиш «хўжа кўрсинга» бир-бирини ўпишиб табриклаш, гулдурос қарсаклар чалиш, кетидан маишат қилиб «ака, ҳаммаси жойида бўлади» деб тарқалиб кетишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Афсуски, бизда кўпинча шундай бўлиб келаётир. Мен бунга ўнлаб далиллар келтиришим мумкин, эндиликда зиёлилар орасида бу ҳолни билмайдиган бирорта кимса йўқ. Лекин ҳеч ким айтмайди.

Саъди Ҳасанович ўз соҳалари бўйича мактаб яратган ва бу борада оламга танилган буюк бир шахс, кашфиётчи олим эдилар. 10 фан доктори, 50 дан ортиқ фан номзоди тайёрлаган, минг-минглаб ёшларга таълим берган, 5 та монография, иккита дарслик, юздан ортиқ илмий мақолалар ёзган олимнинг шон-шуҳрати — «Сирожиддинов теоремаси», «Сирожиддиновнинг асимптотик ёйилмалари», «Сирожиддинов шартлари» атамалари билан математика оламига сингиб кетди. Мутахассисларнинг таъкидлашлари ва тасдиқлашларига қараганда, Саъди Ҳасанович ўз устозлари академик А. Н. Колмогоровнинг мазкур йўналишдаги ишларини умумлаштириб ва давом эттириб унга қараганда аниқроқ натижаларга эришди. Бунинг учун эса Саъди Ҳасанович янги услуб топди ва бу услуб эҳтимоллар назариясида фавқулодда ҳодиса бўлди. Саъди Ҳасановичнинг бу услуби Москва, Ленинград, Киев, Новосибирск ҳамда бир қатор хорижий мамлакатлардаги олимлар томонидан тан олинди, илмий ишларда мазкур кашфиётга тез-тез мурожаат қилиб туришади. Фанда мактаб очиш деб мана шундай кашфиётларга айтилади. Гоҳо филологлар орасида тўғри келган бир ёзувчини «мактаб яратган» деган буюк ном билан ўйламай-нетмай улуғлаш ҳоллари учрайди. Мен ўзбек шўро адабиётида фақат Абдулла Қодирий романчилик мактабини яратган деб атардим, ҳозирча ўзбек шўро адабиётида мактаб яратган бошқа ёзувчини билмайман. Бу гапдан асл мақсад шулки, мактаб яратган ўзбек олимлари ва зиёлиларининг қисмати нега нуқул фожиалардан иборат бўлиб келаётир? Бу савол неча йиллардан буён вужудимни қақшатади.

Зиёлиларимизнинг, кўпроқ ўзбек зиёлилари ва ёзувчиларининг буюк намоёндалари тақдири нега аксари фожиалар билан тугаётгани ҳақидаги фикрни ҳозирча шу ерда тўхтатиб, Саъди Ҳасанович тўғрисидаги гапни давом эттирамиз.

У киши ректор сифатида энг мураккаб ва нозик масалаларни шундай оқилона ва адолат билан ҳал қилардиларки, бундай кезларда ҳар сафар қойил қолиб тарқалишардик. Саъди Ҳасановичнинг ёшларга, шогирдларига меҳрибонлиги ҳақида кўп гап айтилган. Бу жиҳатдан Сирожиддинов ректор бўлиб ишлаган йиллар Тошкент дорилфунуни тарихига олтин давр бўлиб киради, десак муболаға бўлмайди. Талабаларга ҳам, домлаларга ҳам, аспирантларга ҳам ундай ғамхўр, меҳрибон раҳбар ва олим дорилфунунда ҳали бўлмаган дейиш мумкин. Айниқса, маҳаллий миллат болалари, ўзбек қизларининг ўқиши, маълумотли бўлиб етишишига алоҳида ғамхўрлик қилишни ҳамма декан, кафедра мудирларига доим тайинлар эдилар.

Бир кун мени тўсатдан чақириб қолдилар. Шу вақтда мен ўзбек филологияси кечки ва сиртқи бўлими бўйича декан муовини ва шу соҳа бўйича вақтинча проректор лавозимини бажарувчи ҳам эдим. Хоналарига кирдим. Бир ёшгина қиз ўтирибди, кўзлари жиққа ёш. Менга шу қизни ўзбек филологиясига ўтказиб олишни айтдилар. «Хўб» дедим-у, қизнинг қайси куллиётданлигини сўрадим. Роман-герман куллиётининг учинчими ё тўртинчи курсидан бизга иккинчи курсга ўтмоқчи экан. Бундай ҳодисалар кўпайиб бораётгани менга анчадан буён маълум эди-ю, ректорга қандай қилиб айтишни билмай келардим. Жуда вақти келди, дедимда кўнглимдагини ректорга тўкиб солдим. Ўзбек қизлари, болалари роман-германдаги бирор чет тили бўлимига кириб олгандан кейин орадан, уч гоҳо тўрт йил ўтказиб кейин ўзбек филологиясига паст курсларга ўтиб, яна икки-уч йил йўқотишади. Бундай аҳвол муттасил давом этадиган бўлиб қолди, буни ҳеч ким, «нима бўляпти?» деб сўрамайди. Мен Саъди Ҳасановичнинг ҳузурларидаги қизнинг имтиҳон дафтарчасини сўраб олиб, кўриб чиқдим. Учинчи, тўртинчи курсгача ҳамма фанлардан фақат 4—5 баҳо билан ўқиган, энди мутахассислиги — француз тилидан «3» га ҳам топширолмас эмиш. Қизга уқдиришганки, «сен бу ерда ўқий олмайсан, яхшиси ўзбек филологиясига бор, бўлмаса ҳайдаласан. Аммо ўз хоҳишинг билан ўтаётганингни деканга, ректорга ёзиб кирасан», дейишган. Воқеани билганимдан кейин мен Сирожиддиновга очиқ айтдим: — «Домла, шу куллиётингиздаги бундай ҳоллар кўпдан давом этади ва йил сайин авжга чиқаяпти. Бу қиз Қашқадарёнинг узоқ тоғли қишлоқларидан келган экан. Ҳамма фанлардан юқори баҳо билан ўқиган талаба бир фандан лоақал «3» га топширолмаслиги мумкин эмас, топширади. Фақат улар унгиз топширтирмаётган бўлса керак, дедим. Саъди Ҳасанович дарҳол бу гапга аҳамият бериб, қизга француз тилида бир гап айтилар-да, тушундингизми, деб сўрадилар, қиз «ҳа» деб жавоб қайтарди. Шунда мен Саъди Ҳасановичнинг француз тилини ҳам билишларини биринчи марта кўриб ҳайрон қолдим.

— Хўб, бўлмаса қизим, сизга муддат олиб берсак француз тилини топширасизми?

— Топшираман, — деди бир оз жонланиб қиз.

— Қанча муддат керак?

— Бир ҳафта бўлса, бўлади.

Мен гапга аралашиб, йўқ, бир ҳафта камлик қилади, энди улар комиссия билан олишади, унга жиддийроқ тайёрланишга камида уч ҳафта берайлик, дедим. Қиз яна севиниб «Э, унда албатта топшираман» деб юборди. Маълум бўляптики, қизча ўзи танлаган соҳада ўқимоқчи.

Шундан кейин қизни чиқариб юбориб, мени олиб қолдиларда, «ана кўрдингизми, яхши қилдик-а», деб қарорларидан ўзлари ҳам хурсанд бўлдилар. Кейин техник котиба Нелла Ивановнани чақириб, роман-герман куллиётининг декани Вагановни ҳузурларига таклиф қилдирдилар. У тезда етиб келди. Менга бояги гапингизни, русча қилиб гапириб беринг, дедилар. Мен ҳамма фикрларни яна бир марта, бугал анча батафсилроқ қилиб, бир қатор мисоллар билан айтиб бердим. Ваганов фикримизга қўшилди, қайта имтиҳон ташкил қиладиган бўлди, Саъди Ҳасанович унга иложи бўлса шу имтиҳонга мени ҳам таклиф қилинг, бориб қатнашаман» дедилар. Декан бир оз хижолат чекиб, «Йўғ-е, керак бўлса, имиҳонни сизнинг кабинетингизга кўчирамиз», деб қўйди. Шу билан бу ишга нуқта қўйилдигина эмас, роман-герман куллиётидан бизга оқиб келишлар анча чекланди. Бу биргина воқеа холос. Бундай ишлар Сирожиддинов ректорлигида муттасил бўлиб турарди. Ўттиз йиллар мобайнида мен кўрган ректорлардан бирортаси ёшларга, айниқса, ночор оилаларнинг болаларига Саъди Ҳасанович даражасида аниқ, тўғри, меҳр-шафқат, билан муомала қилган эмас. Ғалва чиқиб қолса, боринглар, деканлар билан гаплашинглар, дейиш кўп раҳбарларга хос хусусият бўлиб, тангликдан бош тортиб қолишарди.

И. Усмонхўжаев, Р. Абдуллаева, Б. Сатин, В. Анишчев «тахт»га чиқишлари билан ўз «фаолиятларини» ўзбек зиёлиларига қарши туҳмат ва ҳужумдан бошладилар. 1987—1988 йиллар жумҳуриятимизнинг энг кўзга кўринган зиёлилари, раҳбар ходимларига худди 20—30 йиллардаги сингари суиқасд қилиш авжга минган йиллар бўлди. Саъди Ҳасанович, Мурод Шарифхўжаев, академик Садриддин Йўлдошев, академик Мавлонов, атоқли матбуотчи, йирик ташкилотчи раҳбарлардан саналиб келган Зиёд Есенбоев, ўз ташкилотчилик қобилияти билан матбаачилар ўртасида катта обрў ва ишончга сазовор бўлган Шоислом Шоғуломов, жумҳуриятимиздагина эмас — Иттифоқда танилган академик Васил Қобулов, бутун онгли ҳаётини билим ва маданиятимиз тараққиётига сарфлаб келаётган, кўзга кўринган зиёли, раҳбар ходимларимиздан бири Убайдулла Абдураззоқов, атоқли журналист ва ёзувчи Саъдулла Кароматов (бу рўйхатни ҳали жуда давом эттирса бўлади) тақдирлари кўз олдимизда нима бўлди? Ҳар бири юрагига бигиз тиқилаётганда ўзбек халқи бу мўътабар фарзандларига қай аҳволда эришганлари на Усмонхўжаевга, на Абдуллаевага ва Сатин ёки Анишчевга керак эмасди. Улар дастлаб зиёлиларимизнинг гуллари бошларини сапчадек узиб ташлашлари, ундан кейин ҳаммани ўзларига икки букилиб сажда қилдириб «ўзлари хон кўланкалари майдон» қабилида яшашни истардилар. Биз бу ҳолни энди кўраётганимиз йўқ — 1950 йилларнинг охири 60-йилларнинг бошларида бутун жаҳонга таърифи кетган асримизнинг Берунийси, Форобийси, геология фани соҳасида мактаб яратган Ҳабиб Абдуллаевга қилинган суиқасднинг тепасида ўша даврда биринчи-иккинчи шахсларимиз Титов турганини, уларнинг машъум топшириқларини кимлар ўта «муваффақият» билан бажарганини ҳам ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Бу ҳам алоҳида мавзу... Яқин ўтмишда халқимиз, зиёлиларимиз устига ёғдирилган таъна тошлари ҳақида бадиий асарлар ёзилишига шубҳа йўқ. Аммо бунинг учун Шекспирлар, Қодирийлар, Чўлпон ва Фитратлар етишмай турибди.

Тошкент шаҳрига фирқа раҳбари бўлиб келган Б. Сатин қандай топшириқ олиб келганини аниқ билмайман, аммо ишга тушгандан бошлаб шаҳар аҳволида бироз тузалиш бўлгани йўқ. Аммо шаҳар корхоналари, олий ўқув юртларида неча ўзбек директор, раҳбар ректор, кафедра мудири бўлиб ишлаётганини ҳар йиғинда санаб чиқиб, уларни ўрнига албатта бошқа миллатдан қўйишни очиқ айтаверди, сира тап тортмай зиёлиларимизга дангал ҳужум бошлади. Бу ҳақда кимки аниқ маълумотга эга бўлишни истаса — Сатиннинг ўша йиллардаги ҳар йиғилишда, шаҳар фирқа қўмитасининг ҳар бюроси ва пленумидаги маърузаси-ю, нутқларини олиб кўраверсин, мен ундан кўчирмалар келтириб, яна юракларни зирқиратиб ўтирмайман.

«Хўш, шунча дардингиз бор экан, ўзингиз нима қилиб ўтирган эдингиз?» деган ҳақли сўроқ тушади. Аввало бизда ҳақиқат йўлида курашиш учун қаламдан бошқа бирор восита йўқ. Фикрларимизни баён қиладиган матбуотлар шу қадар мутe эдики, 4—5 йиллар орасида бирор мақоламизни бостиролмасдик. Рўзномалар истаган бозорбоп мақолани эса биз ёзмасдик. Рўзнома ва ойнома бошида ўтирганлар эса, ўша пайтдаги раҳбарларнинг топшириқларини ортиғи билан бажариш билан чекланмасдан, ҳатто уларга энг машъум маслаҳатлар бериб туришарди.

Бундай воқеалар ўзбек халқи орасидаги виждонли зиёлиларнинг қалбини ўртади, ларзага келтирди. Етар шунча ҳақоратлар, чеклашлар, таҳқирлашлар. Мен жумҳуриятимиз фирқа Қўмитаси ва ҳукумати раҳбарларининг ҳозирги сиёсатини тўла маъқуллаш билан бирга, ўзбек зиёлилари орасида яқиндагина жафо чекиб, дунёдан ўтган С. Х. Сирожиддинов, академик Мавлонов, Саъдулла Кароматов ва ўша зулм-ноҳақлик туфайли бутун соғлиқларидан айрилган юқорида номлари санаб ўтилган ва тилга олинмаган зиёлиларимиз ҳақидаги фирқа қарорларини ҳам қайтадан кўриб чиқишни ундаги ноҳақликларни очиб ташлашни ҳаммага ошкор этишни сўрардим. Токи қўлларига ҳокимият тегиб қолган нопок, тарафкаш, пасткаш, амалпарастлар ўз қилмишларига вақти келиб жавоб беришларини доим ўйлаб иш қилсинлар.

Аҳмад АЛИЕВ.

Хориждан хабарлар



Америка Қўшма Штатлари ва Шўролар Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши икки буюк давлат халқлари ўртасида ишонч, ҳурматнинг мустаҳкамланишига омил бўлмоқда.

СУРАТДА: оддий америкалик ўз уйини Шўро ва Америка байроқлари билан безаган.

Р. ЖАББОРОВ сурати.

ЭНГ КАТТА ШАҲАРЛАРДА ТУРМУШ ДАРАЖАСИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС мухбири Павел Ваничкин). Жаҳондаги 100 та энг катта шаҳар орасида Мельбурн (Австралия), Монреаль (Канада) ва Сиэтл (АҚШ) шаҳарлари одамлар яшаши учун энг қулай масканлардан ҳисобланади, Лагос (Нигерия), Киншаса (Жазоир) ва Дакка (Бангладеш) шаҳарлари яшаш учун «энг ноқулай» шаҳарлардир. Аҳолининг энг кўп даражада кўпайишини ўрганувчи Америка қўмитасининг тадқиқотчилари шундай фикрга келдилар. Улар душанба куни жаҳондаги энг катта юзта шаҳарда мавжуд бўлган турмуш шароитлари ҳақида маълумот тақдим этдилар. Ташкилот мутахассислари ана шу ноёб ҳужжатни тайёрлашлари учун икки йил керак бўлди, уларни 45 мамлакат олимлари қўллаб-қувватлади.

Совет Иттифоқидаги тўртта шаҳарга умуман ёмон баҳо берилмади: «Киев 22-ўринни (74 балл), Москва 35-ўринни (64 балл), Ленинград 40-ўринни (62 балл), Тошкент 44-ўринни (60 балл) эгаллади. Уларнинг ҳаммаси «яшаш шароитлари яхши бўлган» шаҳарлар қаторига кирди, бунда Киев карвонбошилик қилди, Тошкент охирги ўринда қолди. Буюк Британия, Испания, Италия, Франция, Венгрия пойтахтлари, шунингдек, Нью-Йорк, Лос-Анжелес ва Бостон (АҚШ), Италиянинг Милан ва Испаниянинг Барселона шаҳарлари ҳам шулар қаторидан жой олди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЖОАКИН БУЛУТЛАРНИ ҲАЙДАЙДИ

● ЖАНУБИЙ Хитой денгизининг қирғоғида, Бэйцзян дарёсининг қуйилиш жойидаги Аомин шаҳрида яшовчи 35 ёшли Жоакин Небарра ёмғирли булутларни ҳайдаб юбориш қобилиятига эга. Небарранинг гапига қараганда у ўзидаги бундай кучни бундан беш йил аввал сезган. Ўшанда у қалин қора булутларни тарқатиб юборганди. Яқинда кўп сонли томошабинлар гувоҳлигида яна булутларни ҳайдаб юборишга муваффақ бўлди.

Фақат у денгиздан келадиган кучли ёмғирларни суриб юборишда ожизлик қилмоқда, деб хабар беради немисларнинг «Гамбургер абендблат» рўзномаси.

ҲАР УЧ КИШИДАН БИРИ

● ЯПОНЛАРНИНГ ҳар учдан бири бу йил бирорта ҳам китоб ўқимаган. Бу маълумотни 16 ёшдан катта бўлган 6000 нафар ёшлар орасида тадқиқот олиб борган мамлакатнинг «Майнити» рўзномаси келтирган. Рўзномада таъкидланишича, ўтган йили ҳар бир японга ўртача 7,4 тадан ўқилган китоб тўғри келган.

43 ЙИЛДАН СЎНГ

● НЕМИС хат ташувчилари аслида аниқ ишлашади. Лекин гоҳо-гоҳо улар ишида ҳам... Бунга сабаб манзилгоҳлар ёзилишидаги чалкашликлардир. Масалан, қўшни Австриянинг Нойкирхен-ам-Вальд шаҳарчасида яшовчи аёлга 43 йилдан сўнггина унинг номига ёзилган хатни тутқазишди. Бу хат 1947 йилда АҚШ ҳарбий маъмурлари томонидан ёзилган бўлиб, унда Германиянинг истило қилинган ҳудудида америкалик аскарлар асирликка олган ҳарбийдан тинтув пайтида чиққан 162 рейхсмаркани унинг хотинига жўнатилганлиги маълум қилинганди.

Хатнинг бунчалик узоқ «саргардон» бўлишига сабаб манзилгоҳнинг нотўғри ёзилиши — «Нойкирхен-ам-Вальд» ўрнига «Нокирхен-фом-Вальд» деб ёзилган экан. Бу етмагандек, унинг Австрияда эканлиги ҳам ёзилмаганди. Шунинг учун бу хат аввал ГФЖнинг, сўнг ГДЖнинг «Нойкирхен» номи билан аталувчи бутун қишлоқ ва шаҳарларини «кезиб чиқиши»га тўғри келди.

Бу даврда аёлнинг эри асирликдан ҳам қайтиб келган ва ўз ажали билан қазо қилган. Аёл эса қарилик гаштида.

Зиёвутдин АКРОМОВни биолог олим сифатида яхши танийсиз. Унинг қишлоқ хўжалигининг тараққий эттиришга доир ўткир муаммоли мақолаларини севиб ўқигансиз. Яқинда домла бир гуруҳ олимлар билан Испанияга сафар қилдилар. Қуйида ана шу сафар таассуротлари, қадимий мамлакатнинг бой тарихи, санъатсевар одамлари ҳақидаги қизиқарли ҳикоя билан танишасиз.

ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР МАСКАНИ

Испания бой тарихга эга. Бир неча минг йил мобайнида бу ерда яшовчи халқлар кўплаб босқинчиларга қарши курашган ҳамда асрлар оша босқинчиларга тобе бўлган.

Испания жозибали табиати, воқеаларга бой тарихи, минг йиллар мобайнида шаклланган ўзига хос маданияти ва тили, заҳматкаш ва ижодкор аҳолисининг меҳнат фаолияти билан танишиш, менда энг катта таассурот қолдирган, унинг бошидан кечирган тараққиётидир. Унинг тарихий тараққиётида айниқса христиан дини билан ислом динининг таъсири катта бўлган. Шунинг учун ҳам деярли ҳамма катта тарихий шаҳарларда шу иккала дин таъсирида вужудга келган хотиралар бой ёдгорликларни учратиш мумкин. Милоддан олдинги 700 йил мобайнида-

га келди. Бу давр Испания тарихида фан, маданият, деҳқончилик, ҳунармандчилик, бинокорлик, савдо-сотиқ энг ривожланган давр ҳисобланади. Айниқса меъморчилик ва суғориладиган деҳқончилик тараққий этади. Кардово пойтахт шаҳар сифатида ривожланди. Бу шаҳар ўша давр жиҳатидан таъсирчан Андолузиядан тортиб Пиреней ярим оролини ғарбига ва шимолидаги аҳолиси бир миллиондан ортиқ узоқ-узоқ ерларгача тарқалади. Бу даврда жаҳон маданияти ривожланишига ҳисса қўшган олимлар, санъаткорлар, бошқа хил мутахассислар кўплаб бўлган. II асрдан бошлаб (1031 йил) Кардово араб халифалиги феодал тарқоқлик, ҳар хил ижтимоий ва иқтисодий сабаблар натижасида бир неча амирликларга бўлиниб кетади. Биноварин ягона кучли ҳокимлик ҳам секин-аста инқирозга учрайди.

Испания шаҳарларида араблар ҳо-

Зиёвутдин АКРОМОВ.

ҚОРА БУҚА— ДИЁР РАМЗИ

Испания ҳудудини финикиялилар, юнонлар, кельтлар, карфагенлилар, римликлар босиб олиб, бири иккинчисини сиқиб чиқарган. Милоддан олдинги иккинчи асрда римликлар босиб олиб, бир неча аср ҳукмронлик қиладилар. Бу даврда христиан дини ҳар хил йўллар билан мамлакатга тарқалади.

Ислом динига эътиқод қилувчи араблар 711—718 йилларда Африка қитъасини шимолидан келиб, Пиреней ярим оролининг деярлик ҳаммасини босиб оладилар. Араблар Испанияда то 1492 йилгача ҳокимлик қиладилар. Ўз-ўзидан маълумки, араблар ўзлари билан келтирган ислом динини мажбурий равишда халқ ўртасида тарқатадилар.

Умуман олганда Испания тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва катта из қолдирган давр араблар ҳокимлик қилган даврдир. Араблар (амир Абдор-Раҳмон I) 756 йилда Испанияда мустақил давлат — Кордово амирлигини туздилар. 929 йилда Абдор-Раҳмон III ҳукмронлиги даврида Кардово халифалиги вужуд-

кимлиги даврида жуда кўп мачитлар, йўллар, карвон саройлар, кўприклар, бошқа давлатлар билан савдо-сотиқ алоқаларини кучайтириш мақсадида денгиз қирғоқларида кема тўхтайдиган портлар қурилади. Булар ичида энг диққатга сазовори ва ҳозиргача яхши сақланиб қолгани Кардоводаги мачитдир. Ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларидан Испанияга келувчи миллион сайёҳ фикри-зикрини лол қолдирувчи бу юксак дид билан қурилган меъморчилик ёдгорлиги мубоҳасасиз дунёда такрорланмайдиган буюк қурилиш.

Мен дунёда маълум Истамбулдаги Кўк мачит, Қоҳирадаги ал-Азҳар мачити, Дамашқдаги Омаёд мачити, Деҳлидаги Жома мачит, Калькуттадаги уч қаватли мармардан қурилган Катта мачит, Марокаш ва Жазоир шаҳарларидаги мачитларни кўрганман. Уларнинг ҳаммаси бир мақсад учун, яъни беш вақт номоз ўқиш учун қурилган бўлса-да, меъморчилик соҳасидаги услуби ва маданияти жиҳатдан бири иккинчисига ўхшамайди, уларнинг ҳар бири жаҳонда ягонадир. Лекин Кардово мачити эса кўркамлиги, салобатлиги мингталаб усталарнинг, олимларнинг, дин арбобларининг фикрини ва ўша юз йиллар давридаги ислом дини давлатларида мачит қуриш борасида эришилган фан ва меъморчилик ютуқларини ўзида мужассамлаштан буюк ва ажойиб ёдгорликдир. Юқорида санаб ўтилган мачитларнинг ҳар бирининг хонақосига (усти бекилган жойда) 8—10 минг киши сиғади. Айрим мачитларнинг олдидаги очиқ майдонларда ҳайит кунлари 100 минггача киши номоз ўқиши мумкин. Мачитларнинг ҳаммасида ҳам сўфи азон айтадиган минора, таҳоратхона ва бошқа қулайликлар мавжуд.

Кардово мачити эса мен дунёда кўрган мачитларнинг ҳаммасидан ҳам катта. Унинг хонақосига 30 мингдан ортиқ киши сиғиб улар бемалол номоз ўқиши мумкин. Ибодат қилиш учун ўз вақтида ҳамма шароитлар бўлган. Мачит 785 йилда Абдор-Раҳмон I амирлик қилган даврда қурилган. Сўнгра 8-, 9- ва 10-асрларда ҳокимлик қилган араб халифалари томонидан кенгайтирилган. Мачитни меъморчилик маданиятига хос хусусиятлардан бири шуки, унинг устида бошқа мачитларга ўхшаш гумбаз йўқ, томи текис эмас. Том тагидаги хонақода ўз вақтида 1013 та тош устун бўлган. Бу устунлар афсонавий ҳикоялардаги ўрмонларга ўхшайди. Тош устунларни мачит томига туташган жойларида ўз даврида нақшошлик, ўймакорлик соҳасида юқори малакага эга бўлган усталар томонидан жуда чиройли ишланган. Мачитнинг меҳроби хонақони ҳамма томонидан силлиқланган тош устунлар орасида жозибали кўринади. Бу муқаддас ислом дини санъатига фақат Кардово шаҳри аҳолисини эмас, ҳаттоки шаҳар атрофидаги шаҳарчалар, қишлоқлардан, узоқ-яқинлардан келиб ибодат қилишган.

1985—1986 йилларда Кардово мачитининг қурила бошлаганига XII аср тўлиши кенг жамоатчилик томонидан нишонланди. Мачит Ғарбда энг кўҳна ва диққатга сазовор ёдгорлик эканини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маданият билан шуғулланувчи (ЮНЕСКО) ташкилоти томонидан тан олинган.

Кардоводан 5 километр масофадаги Медина Аззаҳра саройи араблар томонидан X асрда барпо қилинган. Сарой қайта тикланмоқда. Кардовода араблар ҳокимлиги даврига тегишли ҳаммомлар, кўприклар ва бошқа ёдгорликларни сақлашга эътибор кучаймоқда.

Яҳудийлар Испаниядан ҳайдаб юборилган бўлса-да, улар ибодат қиладиган Кардоводаги синагога яхши сақланган. Ҳозир хотира ва музей шаклида сайёҳларга кўрсатилади.

Кардово мачити билан бирга шаҳарни кенгайиши, давлатлараро алоқаларни кучайтириш, турли соҳаларда юқори малакали мутахассисларга талабнинг ошиши ва уларни тайёрлаш учун керакли шароит яратилиши сабабли араблар ҳокимлиги, айниқса X аср ажралиб туради. Бу асрни Испания, шу жумладан Кардово тарихида «олтин аср» деб аташади.

Шаҳарнинг эски қисми билан янги қисми бир-биридан ҳамма жиҳатдан фарқ қилади. Эски қисмидаги тор қийшиқ-қингир кўчалар, ҳаттоки енгил машина сиғмайдиган «гадой топмас» тор ва халта кўчалар яхши сақланган. Шундай тор кўчаларда ҳам кичкина ресторан, қаҳвахона, сайёҳларга маҳсулот сотишга мўлжалланган ихчам дўконлар тез-тез учрайди.

Кардовонинг янги қисми асрлар мобайнида барпо қилинган бўлсада, нисбатан яхши ривожлантирилган. Кенг хиёбонлар, фавворалар ишлаб турган майдонлар, кўп қаватли банклар, уйлар, ҳаммабоп мол-мулкка тўла йирик дўконлар кўзга ташланади. Шаҳар атрофида эса камбағалларга мўлжалланган хона учун камроқ ҳақ тўланадиган кўримсиз уйлар, латта-путта осилган мажалар ҳам кўзга ташланади.

Аҳолиси 285 мингдан иборат Кардово шаҳри вилоятнинг турли қисмларидан мақтаса арзийдиган автомобиль йўли билан боғланган. Шаҳар ичида ҳам йўллар яхши. Лекин, шаҳарнинг ҳуснини безаб турувчи ранго-ранг юк ва енгил машиналар шунчалар кўпки, улар транспорт ҳаракатига халал бермайди. Ҳатто кўчалар ва майдонларни икки томонини кечаси-ю, кундузи тўлдириб, назаримда, шаҳарни бўғиб қўйгандек туюлади.

Испаниянинг асосий даромад манбаи сайёҳатчилардан олинадиган доллар ва песеталар бўлгани учун уларга маданий ва маиший хизмат қилиш соҳаси жуда яхши ташкил қилинган. Ҳар бир диққатга сазовор кўчами, майдонми, ҳайкалми, сизга яхши тушунтирилади. Айниқса музейларни кўпайтиришга, уларда намойиш қилинадиган буюмларни кучайтиришга катта эътибор берилган. Жумладан, Кардово археология музейида милоддан олдинги даврга тегишли тош буюмлар, иберлар, римликлар, араблар ва бошқа халқларга тегишли буюмлар тартибли равишда хоналарга қўйилган.

Тасвирий санъат музейида Кардовода ижод қилган ва мактаб яратган ҳайкалтарошлар ва рассомлар (16-20 асрлар) асарлари намойиш қилинмоқда. Бу музей ёнида жойлашган шаҳар музейи Хулио Ромеро музейида шу рассомнинг 50дан ортиқ асари билан танишиш мумкин. Айниқса, Кардовони гўзал аёллари акс эттирилган расмлардан кўзингизни узиб олмайсиз.

Испан халқига хос бўлган хусусиятлардан бири уни хушчақчақлигига мойиллиги, шўх куйлар ва жозибали рақслар уларнинг қон-қонига сингиб кетганидир. Шу хусусият билан боғлиқ бўлса керак, уларда байрамларни тез-тез бўлиб туриши ва минглаб кишиларни бола-чақалари билан бу байрамларда фаол иштирок этишидир.

[Давоми бор].



Дугоналар.

А. РИСҚИЕВ суратлавҳаси.

«ШАРҚ»НИНГ ЯНГИ МАКТАБИ

Тошкентдаги «Шарқ» халқ табобати маркази тобора оммавийлашиб бормоқда. Жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли даволаш маскани хизматидан том маънода баҳраманд бўлаётганлар, соғаяётганлар сони ҳам беҳисоб.

«Шарқ» халқ табобати маркази фақатгина беморларни даволаш билан кифояланаётгани йўқ. Бу ерда «Инсон ва коинот» илмий изланиш мактаби ҳам ташкил этилди. Мақсад инсоннинг коинот билан алоқадорлиги асосидаги астрология ҳамда хиромантика, шунингдек, янгидан шаклланаётган ритмология асосларини ўрганиш ва уларни амалда қўллашдан иборат.

Кимки олам ва одам сирларини билишга, авлод-аждодларимизнинг бебаҳо илм дурдоналарини топишга, тиклашга интилса, илмий башоратчилик сир-асрорларини эгаллашга қизиқса, фанни мистика ва хурофотдан ажратиш иштиёқида бўлса, «Шарқ» халқ табобати марказига мурожаат қилиши мумкин.

Инсон ва коинот мактаби манзилгоҳи: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Тошкент Давлат дорилфунунининг 1-ётоқхонаси, «Шарқ халқ табобати маркази». Телефон: 46-23-36.

НЕПОМНЯШИЙ ВАТАНИГА ҚАЙТМОҚДА

Италияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг қаҳрамонларидан бири, Камерун командасининг бош тренери Валерий Непомняший хориждаги ўз хизмат вазифасини ўтаб бўлди. Совет мутахассиси журналистлар билан суҳбатда Камерун командаси бир қанча қийинчиликларга қарамасдан яхши формада, деб айтди.

Маҳаллий «Камерун трибюн» рўзномасининг ёзишича, Непомняший ўрнига ҳозирнинг ўзидаёқ бир қанча номзод бор. Лекин француз мутахассисига эътибор катта.

ЖАРИМА ТЎЛАЙДИГАН БЎЛИШДИ

Берндаги УЕФА штаб квартирасидан ССЖИ Футбол Федерациясига нохуш хабар келди. Унда маълум қилинишича, УЕФА тартиб-назорат қўмитаси «Черноморец»га 10.000 швейцар франки миқдорида жарима солган. Сабаб — «Черноморец» — «Монако» ўйини қониқарли даражада ташкил қилинмагани бўлди.

Яна шу нарса маълум бўлдики, одессаликлар бельгиялик ҳакамларни Москвада кутиб олишни унутишган экан...

Италия командаси 17 октябрда Венгрия командаси билан бўлиб ўтган ўйинда олган очкосидан маҳрум бўлишига сал қолди. Гап шундаки, Италия ўйинчиси Ферри олдин иккита огоҳлантириш олганлиги сабабли бир ўйинда иштирок этмаслиги керак эди. Лекин УЕФА котибиятидан ҳеч қандай хабар бўлмагач, Ферри Венгрия билан бўлган ўйинда майдонга тушган.

УЕФА тартиб-назорат қўмитаси котибиятнинг хатосини тан олиб, ўйин натижасини ўз кучида қолдирди. Феррига келсак, энди у Кипр ва Венгрия терма командаларига қарши ўйинда иштирок этмайди.

Танишинг: янги олий билимгоҳ

Бухоро қадимда илму-фан, маърифат ўчоғи, жаҳонга машҳур не-не олиму-фузололар, алломаю-мутафаккирлар, улуғ ҳакимларни тарбиялаб вояга етказган кўҳна шаҳар. Дунё тиббиётининг бобоколони Абу Али ибн Синонинг киндик қони тўкилган юрт. Бухорода бу йил тиббиёт илмгоҳи очилди. Зеро бу даргоҳда таълим олганларни улуғ ҳакимлар руҳи қўллаб-қувватлаб, халқимизнинг оғирини енгил қиладиган, хаста кўнгиллар жонига оро киритадиган меҳрибон шифокорлар бўлиб етишса ажаб эмас.

Жумҳуриятимизда қулоқ, томоқ, бурун касалликларини даволаш бўйича йирик олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Акром Иброҳимович МЎМИНОВ Бухоро тиббий илмгоҳи ректори қилиб тайинланди. У киши билан Ўзбекистон шифокорларининг 1-қурултойида учрашиб суҳбатлашдик.

Акром Иброҳимович уч кун давом этган шифокорларнинг қурултойида қатнашдингиз. Қандай таассуротлар билан қайтмоқдасиз?

— Тошкентда турли-туман илмий-амалий, ҳатто халқаро миқёсдаги анжуманлар кўп ўтказилган. Лекин жумҳурият шифокорларининг қурултойи Ўзбекистон тарихида биринчи бор бўлиши. Қурултойда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг аҳволи, бўлажак шифокорлар тайёрлаш билан боғлиқ ҳеч бир масала эътибордан четда қолмади. Жумҳуриятимизда тиббий илмгоҳлар кўпайтирилганлиги қувонч билан қайд қилиб ўтилди. Шунинг билан биргаликда ёшларни лаёқатли мутахассис қилиб тарбиялаш бўйича биз мутасаддилар зиммасига катта масъулиятлар юкланди. Қолаверса, бозор иқтисодиётига ўтиш бўсағасида турибмиз. Энди ҳар бир олийгоҳ ўртасида малакали шифокорлар тайёрлаш борасида ҳам ўзига хос рақобат бўлиши турган гап.

— Бухорода тиббий илмгоҳ учун ҳатто бино ҳам йўқ. Биноборин, янги даргоҳда иш бошлашнинг ўзи бўлмайди. Ташкилий ишларда қийинчиликлар бўлмаяптими?

— Вилоят фирқа қўмитаси биноси илмгоҳ учун берилди. Ташкилий ишларда вилоят фирқа ва ижроия қўмитасидан тортиб Бухородаги барча олий ўқув юртлари жамоалари, айниқса, вилоят соғлиқни сақлаш бўлимидаги ўртоқлар жуда катта ёрдам бераяптилар. Бинода тиббий илмгоҳ шароитини яратиш учун таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти. Тайёрлов бўлими талабалари учун ўқув машғулотлари хоналари ва 100 ўринлик ётоқхона шай қилиб қўйилди. Ётоқхона учун яна бир бино олиш арафасидамиз. Тайёрлов бўлимига 200 нафар талаба қабул қилиш белгиланган. Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғига кўра бу йил Тошкентдаги тиббий олийгоҳларда имтиҳон топширишиб 11 балл олган, лекин ўқишга кира олмаган қашқадарёлик ва бухоролик 50 талаба ҳамда 10 балл олганлардан 27 талаба шартнома асосида суҳбатсиз қабул қилинади. Қолган ўринларни умумий суҳбатдан ўтган Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва хоразмлик талабалар эгаллайдилар. 485 киши ҳужжат топширди. Беш кунлик суҳбатдан кейин 1 декабрдан машғулотлар бошланади.

— Кечирасиз, гапингизни бўламан. Яқинда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг



муовини Шаҳоб Шамсиевич Хамроевнинг хонасида бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Тошкент педиатрия тиббиёти илмгоҳига имтиҳон топшириб 9 балл олган бухоролик боланинг отаси сизнинг илмгоҳингизга суҳбатсиз олиш учун ариза билан кирибди.

У кишининг аризасига Шаҳоб Шамсиевич ўртоқ А. И. Мўминовга

«суҳбат вақтида 9 балл олганлиги эътиборга олинсин!» — деб имзо қўйдилар. Лекин ота бундан қониқиш ҳосил қилмай:

— Ўғлим Арманияга бориб келган, иш стажи олти йил. Кечагина ўқишни битириб 11 балл олганларни суҳбатсиз тайёрлов бўлимига қабул қилинсин, деб ёзиб бердингизлар. Мени боламнинг у болаларга нисбатан ҳаётий тажрибаси кўп, — деб туриб олдилар.

— Тушунарли. Бу йил Тошкент 1-, 2-тиббиёт ва Тошкент педиатрия тиббиёт илмгоҳларига ҳужжат топширган анчагина Қашқадарё ва бухоролик ёшлар 9, 10, 11 балл олиб, ўқишга кира олмадилар. Вазирлик 11 баллиларнинг билимини назарда тутиб, юқорида айтганимдек, 50 кишини суҳбатсиз олишга рухсат берди. Кишининг ақлли, билимли эканлигини унинг ёшига қараб белгиланмайди-ку. Ахир шифокор бўлиш учун аввало ирода, билим керак, шундагина тиббий илмгоҳда таҳсил олади. Боланинг билимига қарамай, имтиёз яратиб ўқишга киритиб қўйилганда ҳам ўқий олмай ташлаб кетиши турган гап. Сиз вазирликда учратган кишининг фарзанди борйўғи 9 балл олган экан. У ёғини сўрасангиз, 10 баллилар ҳам анчагина. Албатта вазирлик йўллаган имзоли хат ва аризалар инобатга олинади. Фақат биз бугун суҳбатдан ўтказаётган йигит-қизлар олган балл ҳам уларники тўғри келиб қолгандагина, шундай имтиёз бўлади.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ ҚЎЙИЛДИ

1991 йил сентябридан илмгоҳимизнинг даволаш ва педиатрия куллиётларини 1 курсларида 400 талаба таълим олади. Бундан ташқари бошқа олийгоҳлардан ҳам 2 курсга ўтган 400 талаба таклиф этилади.

— Авваллари жумҳуриятимиздаги тиббиёт илмгоҳи талабалари учун ўқув қўлланмалари, дарсликлар етишмасди. Унинг устига бу йил 2 та илмгоҳ очилди. Тайёрлов курси учун-ку, дарслик етарли экан, бу яхши. Лекин мутахассисликдаги машғулотлар бошланса, дарсликлар борасида қийинчилик бўлмайдими?

— Ҳозирдан ўқув қўлланмалари ва дарсликларнинг тайёргарлигини кўраяпмиз. Тошкент ва иттифоқдаги 12 та ўзим таниш бўлган тиббиёт илмгоҳларининг раҳбарларидан биз учун ҳам китоблар юборишни илтимос қилдим.

— Дарсликлар терма бўлгач, ўқиш рус тилида бўлар экан-да?

— Асло ундай эмас. Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади. Битта рус гуруҳи очамиз. Умуман методик ўқув қўлланмалари, дарсликлар борасида вазирликда қаттиқ тайёргарлик олиб борилаяпти. Қолаверса, жумҳуриятимизда тиббиёт нашриёти бор. Мушкулимизнинг осон бўлиши нашриёт ходимлари куч-ғайратларига ҳам боғлиқ, албатта.

— Ўзбекистон ССЖ Давлат тили тўғрисидаги қонунда тожик, қозоқ ва бошқа миллат вакиллари зич яшайдиган ноҳияларда шу миллат тилида иш юритиш, мактабларда шу миллат тилида таълим-тарбия бериш белгиланган. Сабаби Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Наманган вилоятларининг, Тошкент ва Жиззах вилоятининг кўпгина қишлоқларида тожиклар зич яшайдилар. Бордию, уларнинг фарзандлари тиббий олийгоҳларда тожик тилида ўқишни истасалар-чи?

— Тайёрлов бўлимимизга тожик миллатидаги 4 киши ҳужжат топширди, холос. Бордию, сиз айтгандек талаб бўладиган бўлса, марҳамат, тожик тилида ўқитиладиган гуруҳлар ҳам очишимиз мумкин. Ёки бўлмаса, Душанбе тиббиёт илмгоҳи билан ҳамкорлик қиламиз. Умуман яқинда Душанбега хизмат сафарига бориш ниятим бор. Бу масалада бирор битимга келишамиз, деган умиддаман.

— Мутахассисликдаги амалий машғулотлар бошланадиган бўлса, Бухородаги тиббиёт муассасалари клиник базага ярайдими?

— Албатта. Мен вилоятдаги шифокорларнинг савияси, муассасаларнинг асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши-ю, техникавий имкониятлари билан танишиб чиқдим. Вилоятда 2 нафар тиббиёт фанлари доктори, 46 нафар фан номзодлари, талайгина олий тоифадаги шифокорлар ишлашар экан. Даволаш муассасалари, касалхоналарнинг кўплари замонавий биноларда жойлашган. Асбоб-ускуналари ҳам чакки эмас, кўплари чет элларда ишлаб чиқарилган техникалар. Қисқаси, амалий машғулотлар учун жуда яхши клиник базалар мавжуд. Бундан ташқари илмгоҳимизга ўтиб ишлаш ниятида бўлган бошқа шаҳарлик олимлар ҳам йўқ эмас.

Ниятларимиз катта. Барча имкониятларни ишга солиб, махсус тиббиёт кафедралардан ташқари, халқ табобати кафедраларини очишни ҳам мўлжаллаб қўйибмиз. Талабаларимизнинг зукко, билимдон, малакали шифокор бўлиб етишиши учун масъул эканлигимизни бир зум бўлсин, унутганимиз йўқ.

— Суҳбатингиз учун раҳмат. Эзгу ниятларингиз амалга ошишида сизларга омад ёр бўлсин.

Жумҳурият саломатлик марказининг Матбуот шўъбаси ходими Абдумажид ЭРГАШЕВ суҳбатлашди.

ТВ

ЖУМА, 23 НОЯБРЬ —

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Ботаника. Раънотулдошлар. 12.00 «Боғча бизни қарши олади», «Қиз узатганда». Телефильмлар. 12.30 Ўзбек мактаблари учун рус адабиёти. И. С. Тургенев ижодида рус деҳқонлари мавзуи.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Оқ бўталоқ». Мультфильм. 18.30 «Гулистон» муштарийларига. 19.00 «Халқаро ҳаёт». Шу куннинг муҳим воқеалари ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Наврўз-90». Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон театрларининг фестивали. 2-кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан. «Навоийхонлик» Мусиқий кўрсатув. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Нафосат». Хотин-қизлар учун кўрсатув. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». Информацион кўрсатув (рус тилида). 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Бех аз санноъи олам деҳқон аст». Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 «Порлоқ шахс». Бадиий фильм.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Бор бўл, мусиқа!». 9.50 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 10-серия. 10.55 «Босқичлар». 12.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 13.00 «Вақт».

* * *

16.30 «Агар сиз...». 17.15 Гнесинлар номли мусиқа билим юрти талабаларининг концерти. 18.05 «Қишлоқда ўтказилган таътил». Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильм («Белорусьфильм»). 18.30 Долзарб интервью. 18.40 ССЖИ Олий Кенгашида. Суверен давлатлар янги ҳамдўстлиги ва хавфсизлик системаси мавзуидаги Бутуниттифоқ конференцияси материаллари асосида. 19.25 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 10-серия. 20.30 «В и Д» таништиради: «500 программаси», «Мўъжизалар майдони» капитал-шоуси. 21.30 «Вақт». 22.00 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурси. 22.10 Коллаж. 22.15 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 22.30 «Бу бўлган... бўлганди...». 22.55 «В и Д» таништиради: «Взгляд», «Веди», «МТВ», «Эльдорадо». Танаффус пайтида (00.35) — «ТСН».

● МТ II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

9.15 «Табиат сирлари». Илмий-оммабоп альманах. 9.35, 10.35 Тарих. 5-синф. В. И. Ленин — Коммунистик партия асосчиси. 10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Жуғрофия. 6-синф. Зилзилалар, вулқонлар, гейзерлар. 12.05 Ҳужжатли фильм.

* * *

17.30 «Кичкинтой малла». Мультфильм. 1-серия. 17.50 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Сабантўй, сабантўй, сабантўй». Уфадан кўрсатилади. 19.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 19.30 «Бизнинг хазинамиздан». Гидон Кремер (скрипка) ва Марта Аргерих (фортепьяно) концерти. 20.25 Коллаж. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Солдат ва жодугар», 4-қисм. 20.45 «Бозор: у Германияда қандай?». «Биз ва иқтисодиёт» туркумидан. 2-кўрсатув. 21.30 Спорт ҳамма учун. 21.45 «Паганини». Фильм-балет («Экран»). 22.10 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида.

* * *

00.10 «Кекса шайхнинг узуги». Телевизион бадиий фильм (Шимолий Осетия телевидение студияси).

(Рўзномамизнинг навбатдаги сони 24 ноябрда чиқади).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28620.